*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 168 (20. 435) • 1989 йил 19 июль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Советининг 17 июль кунги мажлисида **А. И. Лукьянов** бир қанча депутатлар СССР сув хўжалиги қурилиши министри лавозимига П. А. Пўлатзоданинг номзодини кўриб чиқишга қайтишни илтимос қилаётганликларини маълум қилди.

**Н. И. Рижков** бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Муҳокамада қатнашган депутатлар **Қ. Саликов, А. Ф. Вепрев, Б. Н. Ельцин** ва бошқалар бу масала хусусида турли нуқтаи назарларни айтдилар.

СССР Олий Совети ҳозир мазкур номзодни кўриб чиқмасликка кўпчилик овоз билан қарор қилди.

**Раислик қилувчи** ҳукумат тузилиши муносабати билан ўртага қўйилган бошқа масалалар тўғрисида ахборот берди.

Олий Советга СССР маданият министри лавозимига кўрсатилган В. Г. Захаровнинг номзоди хусусида айрим депутатлардан ва маданият арбобларидан анчагина телеграмма тушди. Ҳукумат бу масалани сессия муҳокамасига қўймаганлиги сабабли Олий Совет уни муҳокама қилмади.

СССР темир йўллар министри лавозимига даъвогар Н. С. Конарев масаласида ҳам шунга ўхшаш вазият вужудга келди. Ҳукумат бу масалани киритмаганлиги сабабли бу масала ҳам кўриб чиқилмади.

**Раислик қилувчи** бир қанча хат ва телеграммаларда, шу жумладан СССР халқ депутатларидан тушган хат ва телеграммаларда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимига В. М. Каменцевнинг номзодини кўриб чиқишга қайтиш таклиф қилинади, деди.

Шу муносабат билан **Н. И. Рижков** яна депутат А. А. Собчакдан бундан аввал В. М. Каменцев шанига айтган даъволарини исботлаб беришни талаб қилди.

**А. А. Собчак** сўз олиб, менинг мулоҳазаларим В. М. Каменцевнинг аввалги фаолиятига ҳам, шунингдек у раҳбарлик қилган аппаратдаги оилавий алоқаларга ҳам тааллуқли эди, деб эслатиб ўтди. Бунда, деди нотиқ, давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг бошлиғига бўйсунувчи барча ташқи иқтисодий идоралар назарда тутилган эди. Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, Балиқ хўжалиги министрлиги, Савдо-саноат палатасининг баъзи собиқ ва ҳозирги раҳбарлар билан қариндош бўлган бир қанча ходимлари номларини тилга олиб, у ташқи иқтисодий идоралар иши ва кадрлар составини ҳар томонлама кўриб чиқиш учун депутатлар комиссиясини тузишни таклиф қилди.

Мен баъзи ҳолатларни равшанлаштириб бермоқчиман, деди **Н. И. Рижков**, В. М. Каменцев пенсияга чиқмоқда. Шу сабабли у қандай обрў билан кетиши унинг учун бефарқ эмас. Депутат Собчак бугун далил-исботларни тақдим этмади ва унинг ўртоқ Каменцев номзоди хусусидаги гаплари асоссиздир. Ҳукумат бошлиғи гўё В. М. Каменцев балиқ хўжалигининг ишини барбод қилди, шунингдек «океан» деб аталган ишда қатнашган деган даъволарни рад қилувчи ҳужжатларни ўқиб эшиттирди. Биз жамиятимиз аъзоларидан бирига холисона ёндашмоғимиз керак, деб таъкидлади СССР Министрлар Советининг Раиси.

Шундан кейини сўзга чиққан депутат **С. Н. Ҳожиев** принцип жиҳатдан А. А. Собчак ҳақ бўлса ҳам, аммо ўз даъволарини конкрет номзод — В. М. Каменцевга қаратишида ҳақ эмас, деган фикрни билдирди. Фактлар бу даъволарни тасдиқламаяпти. Шу муносабат билан у СССР Олий Совети В. М. Каменцевни ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчи министрликлар ва идоралар системасидаги уруғ-аймоқчиликни авж олдиришга дахлдор эмас, деб ҳисоблайди деган таклифни ўртага қўйди. У СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитети В. М. Каменцевнинг номзодини яна бир марта синчиклаб муҳокама қилсин ва ҳукумат бошлиғи билан биргаликда шу номзод хусусида ўз таклифларини берсин, деган фикрни ҳам айтди.

**Раислик қилувчи** шу нуқтан назарни қўллаб-қувватлади ва масалани тегишли комитетга топширишни таклиф қилди, депутатлар бу таклифни маъқулладилар.

Аввалги ҳукумат составининг аъзолари **В. Г. Захаров** ва **М. В. Грамов** ахборот учун сўз олдилар. Улар СССР Министрлар Совети составига номзодларни кўриб чиқишнинг СССР Олий Совети доимий комитетлари ва комиссияларидаги тартибини, баъзи депутатлик группалари томонидан номзодлар олдига ультиматумлар қўйиш практикасини таңқид қилдилар, маданият ва оммавий спорт муаммоларига муносабатни ўзгартириш зарур, деган масалани қўйдилар. Нотиқлар матбуотда эълон қилинган баъзи материалларда, уларнинг фикрича, шу нотиқлар раҳбарлик қилаётган идораларнинг фаолиятига оид фактлар ва уларнинг ўзлари айтган гаплар бузиб кўрсатилганлигини айтиб, бу материалларни рад қилдилар.

Депутатлардан **В. Н. Степанов, М. Б. Омонова, А. Т. Жанасбаев, И. Д. Кобзон, О. М. Савостюк, В. А. Ивашков** ва бошқалар СССРнинг янги ҳукумати, баъзи тармоқлар, айрим министрлар шанига бир қанча мулоҳаза ва истаклар билдириб, янги ҳукумат халқ талаблари асосида янгича ишлаш кераклигини таъкидладилар. Ҳукумат тузиш тартиби хусусида ҳам мулоҳазалар айтилди.

СССР ҳукумати тузиб бўлинганлиги муносабати билан сессияда СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** нутқ сўзлади.

Н. И. Рижковнинг якунловчи нутқидан кейин депутат **В. Я. Медиков** нутқ сўзлаб, Кузбасс сайловчиларининг илтимосига биноан ҳавза шахталаридаги вазиятдан сессияни хабардор қилди. У регион депутатлари номидан кўмирчиларга мурожаат этиб, иш ташлашни тўхтатишга чақирди, унинг умумиттифоқ иш ташлашига айланишига йўл қўйиб бўлмаслигини, чунки бу нарса қайта қуришга қарши иш бўлишини айтди.

**Н. И. Рижков** Кузбассдаги вазият ҳақида гапирар экан, ҳақиқатан ҳам у ерда кўпгина социал-иқтисодий муаммолар йиғилиб қолганини айтди. Бу муаммоларнинг баъзилари ўша жойнинг ўзида дарҳол ҳал қилиниши мумкин. Бошқаларини бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқиш лозим. Иш ташлашнинг давом этиши аҳволни фақат мушкуллаштиради, экономиканинг бошқа тармоқларига таъсир қилади, деб уқтирди у.

СССР Министрлар Советининг Раиси маълум қилишича, у М. С. Горбачев билан бирга Кузбасс шахтёрларига мурожаатномани имзолаган. Бу мурожаатномада кончилар ақл-идрок билан иш тутишга чақирилган. Н. И. Рижков Кузбассга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков бошчилигидаги махсус комиссия жўнаб кетаётганидан депутатларни хабардор қилди. Комиссия муаммоларнинг бутун мажмуи кейинчалик ҳал қилиниши учун уларни ўз жойида кўриб чиқиши лозим.

Сессия СССР давлат арбитражи коллегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ўтади.

СССР бош давлат арбитри **Ю. Г. Матвеев**га сўз берилади, у СССР давлат арбитражининг раҳбарлари ва коллегия аъзолари лавозимларига номзодларни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этди, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Депутатлардан **Ю. Х. Калмиков, С. Г. Лушчиков, В. И. Огарок** СССР давлат арбитражининг вазифалари ва структураси тўғрисидаги, таклиф этилган номзодлар ҳақидаги фикрларини баён этдилар.

Кўпчилик овоз билан В. Н. Исайчев СССР давлат бош арбитрининг биринчи ўринбосари, В. В. Гребенников ва И. М. Останний ўринбосарлар этиб тайинланди. А. А. Арифулин, К. И. Девяткин, В. И. Чайка СССР давлат арбитражи коллегиясининг аъзолари қилиб тасдиқланди.

Олий Совет СССР халқ контроли комитетини сайлашга ўтади.

Комитет раиси **Г. В. Колбин** минбарга чиқиб, СССР халқ контроли комитетининг таклиф этилаётган составини қисқача таърифлаб берди. Жумладан, у ҳозирча СССР халқ контроли комитетидаги бир қанча лавозимларга номзодларни таклиф қилмаётганини айтди. Г. В. Колбин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Таклиф этилган составни муҳокама қилишда сўзга чиққан депутатлар **В. А. Логунов, С. Я. Наумов, А. Ғ. Мухторов, Н. Д. Пивоваров** халқ контроли комитети шанига ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

**(Давоми иккинчи бетда).**








## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

**КПСС Марказий Комитетининг савдони ташкил этишда ва хизмат соҳасида тартиб ўрнатишга оид зарур тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинганига бир йилдан ошди. Шу вақт ичида республикамизда муайян ижобий силжишлар юз берди. Соцнал соҳани ривожлантиришга, аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришга, тармоқни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Бироқ, жойларда ҳали аҳоли эҳтиёжини тўла қондиришга эришилганн йўқ. Аввало қувватларнинг етишмаслиги, улар кўп йиллар мобайнида талаблардан орқада қолиб келаётганлиги сабабли қолоқлик ҳолларн юз беряпти. Шунинг учун ҳам беш йилликнинг ўтган уч йили топшириқларн бажарилмай қолди. Хизмат соҳасида белгиланган режаларнн республикамизда, атиги икки областгина бажарди.**

**Бу борада Наманган области маиший хизмат кўрсатиш ходимлари амалга ошираётган ишлар ибратли. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳузуридаги депутатлар комиссиялари ёрдами билан кўпчилик корхона ва хўжаликларда маиший хизмат объектларн, кўчма пунктлар очилди. Учқўрғон районида транспорт, маданият ва омонат кассалари хизмати айниқса, намунали ташкил этилди. Химиявий тозалаш ва кир ювиш хизматлари одамлар эҳтиёжини қондирмоқда. Бошқарув аппарати қисқарган туфайли бўшаб қолган бинолар поликлиникалар, диспансерлар, маиший хизмат объектларига айлантирилмоқда.**

**«Марҳабо» маиший хизмат уйи — учқўрғонликларнинг севимли масканларидан бири. Корхонада ойига 10 мингдаб сўмлик турли хил юмушлар бажарилмоқда. Тикув цехи, сураткашлик ателъеси, сартарошхона ва бошқалар мунтазам ишлаб турибди.**

**Махсус сураткашимиз В. МОЛГАЧЕВ «Марҳабо»нинг илғор ходимларини тасвирга туширдн. 1. Тажрибали тикувчи Акбаралн Адашев қизлари Оймахон ва Ҳакима билан. 2. Маиший хизмат уйининг умумий кўриниши. 3. Эркин Исматуллаев 20 йилдан бери сураткашлик қиладн. У ўз ишининг устаси.**

# АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕАЛИЗМИ

## *Н. И. РИЖКОВнинг СССР Олий Совети биринчи сессиясидаги якунловчи нутқи*

СССР Олий Советининг ҳурматли аъзолари!

Кўрсатилган шараф — давлат ҳокимиятининг олий лавозимларига тасдиқланлигингиз учун мамлакатнинг янги тузилган ҳукумати номидан миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ҳукумат аъзолари чинакам ишонч мандатини олганликларидан астойдил миннатдормиз. Биз бу ишончни улуғ мамлакатимиз ҳамда гражданларнинг манфаатлари йўлидаги амалий ишларимиз билан оқлаймиз.

Биз ўз фаолиятимизни мамлакат учун мураккаб ва бурилиш даврида бошлаётганимизни тўла даражада англаймиз. Айни шу боисдан халқ ҳукуматдан СССР Олий Совети билан биргаликда қатъий ҳаракатлар қилишни, қайта қуриш жараёнларини кескин жадаллаштиришни, шу яқин йиллар ичидаёқ экономикада ҳам, социал соҳада ҳам, бошқа барча фаолият соҳаларида ҳам конкрет ижобий, амалий натижаларга эришишни таъминлаш юзасидан кенг миқёсли ва қизғин иш олиб боришни кутишга ҳақлидир.

Бош мақсад равшан — совет кишилари турмушининг янги сифати сари ёриб ўтиш зарур. Аммо иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатсиз бунинг иложи йўқ, жамиятимиз эса ана шундай давлатни барпо этиши лозим.

Бўлғуси фаолиятга асос қилиб олинган вазифа мана шундай. Бу вазифа муштарак иш — қайта қуришнинг муқаррарлиги учун мамлакат гражданларининг қудратли мададига таяниб, яна ҳам фаол ва зўр ғайрат билан қурашиш мажбуриятини юклайди. Сиёсий фаоллик мисли кўрилмаган даражада жўш урганлиги туфайли гражданларнинг ана шундай мадади халқ депутатларининг съездида жуда яққол намойиш этилди.

Янги ҳукумат тузилиши муносабати билан СССР Олий Советида иҳқоясига етган мунозаралар комиссиялар ва комитетларнинг ишидаги, шунингдек парламентимизнинг биринчи сессиясидаги ғоят муҳим босқичга якун ясади. Ўткир мунозаралар, аниқ-равшан масалалар, экономикада ва социал турмушда содир бўлаётган чуқур жараёнларни билиб олиш, ўз позициясини аниқлаш, давлатдаги раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг шу позицияга муносабатини кўриш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш муддаоси — шу кунларга хос бўлган хусусиятлардир. Мана шуларнинг ҳаммасида ғоят катта маъно ва фойдали асослар бор эдики, пировард натижада улар халқ депутатлари билан СССР Министрлар Совети составига номзодларнинг биргаликдаги ишида дастлабки амалий тадбирларни ишлаб чиқишда кўп наф келтирди. Бу — бир томондан.

Иккинчи томондан эса халқ депутатларининг нутқлари жамиятимизга хос бўлган муаммоларнинг ҳаммасини тўла-тўкис кўрсатди. Бу нутқлар ҳукумат яқин вақт ичида ҳам, келгусида ҳам шуғулланадиган ҳамда хўжалик ислоҳотнинг бундан буёнги бориши ва экономикадаги ишларнинг аҳволи боғлиқ бўладиган шошилинч масалалар, мақсадлар ва вазифаларнинг ўша кенг доирасида кўп нарсани анча тўлдирди. Айни вақтда шу нарса принципал аҳамиятга эгаки, ушбу масалаларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги, бир қанча ҳолларда эса илгари қабул қилинган қарорларга тузатишлар киритиш зарурлиги равшанроқ бўлиб қолди.

Шундай қилиб, биз гарчи катта бўлмаса-да, лекин ниҳоятда қимматли мана шу тажриба билан қуролланиб, СССР ҳукумати, Олий Совети, унинг комитетлари ва комиссиялари биргаликдаги фаолиятининг янги босқичига киряпмиз. Биргаликдаги куч-ғайратларни муштарак мақсадларга бутун чоралар билан бўйсундириш, мумкин қадар кўпроқ аниқравшанлик ва ўзаро масъулият ҳозир ҳам, келгусида ҳам бу фаолиятга нисбатан қўйиладиган асосий талабдир, афтидан, сизлар ҳам бунга қўшилсангиз керак.

Шу муносабат билан мазкур сессияда кўтарилган жуда кўп хилма-хил масалаларга тўхтаб ўтирмай, (чунки бу масалалар ҳақида ҳукуматнинг янги соетави тўғрисидаги докладда гапирибўтилган эди) сизларнинг диққат-эътиборингизни фақат бир нарсага қаратмоқчиманки, биз белгилаётган барча режаларни рўёбга чиқаришдаги муваффақият талай даражада шунга боғлиқ бўлади. Гап шундаки, «Ижроия орган, яъни СССР Министрлар Совети мамлакатда бутун ҳокимиятни босиб олди» деган сўзлар шу минбардан янграган эди. Афтидан, бундай фикр кенг тарқалган бўлса керак. Съездда ҳам, сессиянинг иши давомида ҳам давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи ва фармойиш берувчи органи ҳаммадан кўра кўпроқ танқид қилинганлиги факти шундан далолат беради. Бу танқид асосан бир томонга — СССР Министрлар Совети шанига қаратилганлигини айтиш керак. Ҳақиқатан ҳам мамлакатда ҳамма ишларни фақат иттифоқ Министрлар Совети бошқаряптию, ҳамма нарса учун у жавоб бериши керак, деган таассурот вужудга келмоқда.

Шу боисдан ҳукуматнинг ҳокимият ваколатлари тўғрисидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Айни ҳозир бу масалада тўла-тўкис равшанлик бўлиши керак, деб ўйлайман.

Аввало, афтидан, шу нарса шак-шубҳасизки, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи ишининг самарадорлиги, унинг қарорларини ва ҳуқуқий актларини турмушга татбиқ этиш унинг ижрочи ва фармойиш берувчи олий органи ҳанчалик ишчан бўлишига ғоят бевосита боғлиқдир. Бу ерда шундай бир қоидани келтириш мутлақо қонунийдир: парламентнинг кучи унинг қонун чиқариш ваколатларининг ижросини амалда ким таъминлаётган бўлса, ўшанинг кучи ва билимдонлигига бевосита боғлиқ.

Аммо бундан яна бевосита шу нарса ҳам келиб чиқадики, агар қонун чиқарувчи ҳокимият ҳукуматга тўла-тўкис ва аниқ-равшан ҳуқуқий режимни таъминлаб берса, у ҳеч шубҳасиз ғоят самарали ишлайди. Ахир, яқин ўтмишга қадар нималар характерли эди? Аввало, шу нарса характерли эдики, мамлакатни бошқариш керак эди ва биз қонунларнинг ниҳоятда таҳчиллигн шароитида мамлакатни бошқариб келдик.

Хўжалик соҳасидаги қонунлар эскириб қолган ёндашув ва қарорларнинг сийқа намуналарини акс эттирар, халқ хўжалигидаги қайта қуришнинг боришига салбий таъсир ўтказарди. Аммо биз Конституция ҳукумат зиммасига юкланган ижрочилик ва фармойиш бериш вазифаларн тўла-тўкис ҳамда ўз вақтида бажарилиши учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилдик.

Ана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи билан ижрочи-фармойиш берувчи олий органининг ҳуқуқ даражаларини аниқлаб олиш ва бу масалага равшанлик киритиш зарурга ўхшайди.

Дарҳақиқат, кўпинча ҳукумат шундай масалаларни ҳал этардики, ҳозирги тасаввурлар нуқтаи назаридан бундай масалалар қонун чиқарувчи олий орган ихтиёрига тааллуқлидир. Аммо бунинг сабаби ҳукуматнинг кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш муддаоси эмас, балки мен ҳали айтиб ўтганимдек, баъзи ҳолларда давлат фаолиятининг бир қанча соҳаларидаги ишлар қонун билан тегишли тартибга солинмаганлигида, бошқа бир ҳолларда эса Олий Совет сессиялари йилига кўпи билан икки марта 2-3 кунга чақириладиган вазиятда масалалар жуда шошилинч равишда ҳал қилинишини талаб этганлигида эди, албатта.

Министрлар Совети қонун чиқарувчи собиқ олий органнинг амалдаги ҳокимиятидан келиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети билан биргаликда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ғоят муҳим умумиттифоқ программаларини: Озиқ-овқат программасини, энергетика программасини, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини, медицина, қурилиш ривожлантириш ҳамда РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида автомобиль йўлларини реконструкция қилиш давлат программаларини ва шу кабиларни ишлаб чиқиб тасдиқларди.

Агар шу рўйхат давом эттириладиган бўлса, шуни айтиш мумкинки, ҳукумат ҳуқуқий тартиботнинг баъзи муаммолари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилди.

Мана шу ва бошқа барча масалалар, хусусан гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ масалалар қонун билан тартибга солиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатда ҳеч ким шу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилмаганлиги сабаблигина Министрлар Совети уларга доир қарорлар қабул қилиб келди. Ўйлайманки, ҳукумат билан Олий Советнинг ҳуқуқ доиралари синчиклаб таҳлил этилганида ижрочи ва қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг вазифаларини яна ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш лозим бўладиган талайгина бошқа соҳалар аниқланади.

Ваколатли органларнинг фаолияти кучайиши, қонун чиқарувчи базанинг кенгайиши билан Министрлар Советининг иши ССР Олий Советининг ваколатларига тобора кўпроқ зид келади, деб ўйлаш чуқур хато бўлур эди.

Аксинча, олий юридик кучга эга бўлган қонуннинг бутун қудратига таяниш имконияти ҳукумат фаолиятига сифат жиҳатидан янги, ҳуқуқий давлат талабларига мос келувчи хусусият бахш этади. Кўпгина халқ депутатларининг нутқларидан келиб чиқаётган хулоса тўла-тўкис қўшиламан: айни ҳозир, шунда, давлат қарор топаётган даврда ижрочи ва фармойиш берувчи олий ҳокимият органининг барча ҳуқуқлари бериб қўйилган ҳамда уларни тўла-тўкис амалга оширадиган самарали ҳаракат қилувчи, оқилона уюшган, собитқадам ҳукумат ҳаётий зарурдир.

Хуллас, қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятнинг нисбати тўғрисидаги масала жуда муҳим бўлиб, махсус ишлаб чиқилиши ва ўрганилиши зарур. Афтидан, съезд тузган конституцион комиссиянинг иши давомида ҳам, съезднинг топшириғига биноан бир қанча қонун актларини тайёрлаш чоғида ҳам бу масалага тегишли эътибор берилса керак.

Шу билан мазкур мавзу баёнини тугалламоқчиман.

Ўртоқлар!

Халқ депутатлари съезди билан СССР Олий Советининг сессияси экономикани, социал-маданий соҳани ривожлантиришдаги, мамлакат турмушининг бошқа соҳаларидаги кўпдан-кўп жуда мураккаб муаммоларни очиқ кўрсатдики, булар совет халқи манфаатларига бевосита дахлдордир. Ана шу ғоят хилма-хил муаммолар қанчалик кўп қиррали экани сизлар яққол ишонч ҳосил қилдингиз. Ўтган уч ҳафта ичида депутатлар олдидан, қолаверса, оммавий ахборот воситалари туфайли бутун халқ олдидан бошқарув олий бўғинининг ўнлаб бўлғуси раҳбарлари ўзларининг келгусидаги фаолият программалари билан ўтдилар.

Натижада ҳозир бизнинг экономикамиз қандайлиги ва нима қилиш кераклигини кўрсатувчи анча яққол манзара намоён бўлди.

Умуман олганда, шу кунларда сессияда бўлиб ўтган мулоқотни, депутатларнинг кўпдан-кўп сўровлари ва мурожаатларини (дарвоқе, шахсан менинг ўзимга салкам 700 та сўров ва мурожаат тушди) уч қисмга ажратиш мумкин бўлади.

Биринчиси — жорий, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш зарурлиги. Бу вазифаларнинг ҳаммаси синчиклаб кўриб чиқилиши ва иложи борича ҳал этилиши, айниқса совет кишиларининг турмушига бевосита дахлдор масалалар пухта кўриб чиқилиб, мумкин қадар ҳал этилиши керак. Шуни маълум қилишим мумкинки, съездда ҳам, сессияда ҳам жуда ўткир гап борган ана шундай муаммоларнинг бири хусусида бундан бир неча кун илгари чет эллардан 500 миллион сўмлик камёб доридармон сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. **(Қарсаклар).**

Мамлакатнинг ҳозирги валюта аҳволи, ташқи иқтисодий қарзнинг ўсиб бориши, таркиб топган экспорт структурасига ва шу ҳисобдан валюта маблағларини олишга жамнятда кескин муносабат билдирилаётган шароитда шундай қадам қўйиш асло жўн бўлмаганлиги сизларга тушунарли, деб ўйлайман. Бунинг устига исталган тақдирда ҳукуматни мана шу қадами учун ҳам қаттиқ танқид қилиш мумкин.

Бўлиб ўтган мулоқотнинг иккинчи қисми умуман ҳукуматнинг фаолиятига ҳам, ҳукумат айрим аъзоларининг фаолиятига ҳам тааллуқли барча истиқбол программаларини ўз ичига олади. Ана шу ҳукумат аъзолари бу ерда ўз программалари билан чиқишган эди. Энди ликдаги бош вазифа шундан иборатки, мазкур программаларнинг ҳаммаси ҳар бир министр ва давлат комитети раисининг келгусидаги ишларига асос қилиб олиниши керак. Улар бу программалар шу минбардан янграган шунчаки нутқларигина бўлиб қолмай, балки амалда рўёбга чиқарилиши лозим.

Ва ниҳоят, съездда бўлиб ўтган ғоят муҳим гаплардан келиб чиқадиган сўнгги хулоса, образли қилиб айтганда, мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантириш ва совет кишилари турмуши даражасини оширишнинг жуда кенг қамровли муаммоларига тааллуқлидир. Ана шу барча муаммолар амалда мавжуд бўлиб, ҳал қилиниши зарурлиги шубҳасиздир. Давлат бошқарувининг донишмандлиги айни шу ерда энг кўп даражада синовдан ўтади. Бу муаммоларнинг ҳаммасини бир варакайига ҳал этишнинг иложи йўқ, деган фикрда биз ҳаммамиз яқдил бўлсак керак, деб ўйлайман. Экономикадаги вазият шундайки, бунга кенг жабҳада ҳаракат қилиб бориш, мамлакатда ғоят оғир аҳволни вужудга келтиришни билдиргани бўлур эди. Бунга йўл қўймаслик учун асосий афзалликларни аниқ-равшан белгилаб олиш, ўз имкониятларини чамалаб кўриш ҳамда шунга асосланиб реал мақсадлар ва марраларни кўзда тутиш керак. Бу энг муҳимидир.

Биз қатъий равишда чекланган, муайян моддий ва молиявий ресурсларга эга эканлигимиз турмушнинг ўзи тақозо этган шундай ёндашувнинг асосидир. Бу ресурсларни халқнинг фаровонлигини юксалтиришга мумкин қадар кўпроқ наф кўриб сарфлаш лозим. Аммо бу вазифа шу қадар кўп қиррали ва ғоят хилма-хилки, бундан мен айтиб ўтган афзалликлар алоҳида аҳамият касб этади. Хуллас, образли қилиб айтганда, биз ана шу афзалликларни аниқ-равшан белгилаб қўйиб, ҳозир нимани қилмасдан иложимиз йўқлиги, нимани эртага ҳал қилиш, нимани эса анча олисроқ истиқболга кечиктириш мумкин ва лозимлиги тўғрисида жуда яққол тасаввурга эга бўлишимиз керак.

Шуни айтишим керакки, ҳозир ана шу афзалликларни аниқ белгилаб қўйишнинг вақти эмас, қолаверса, афтидан, бу шошма-шошарлик ҳам бўлур эди. Ҳамма нарса синчиклаб биргаликда пухта ишлаб чиқилгандан кейин Олий Совет ва ҳукумат шундай қилиши керак. Лекин шундай бўлсада мен моддий ишлаб чиқариш соҳасида асосий афзаллик қишлоққа тегишли эканлиги тўғрисида ўзимнинг қатъий ишончимни айтиб ўтишим керак. Агросаноат комплексини ривожлантиришдаги қолоқлик ва бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий етишмаслиги — бизнинг асосий мушкуллигимиздир. Жамиятда социал кескинликни келтириб чиқараётган кўпгина муаммолар калити шундадир. Биз қишлоқни юксалтириш юзасидан халқ депутатлари съездининг қароридан келиб чиқадиган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ биргаликдаги жуда катта ишларни бажаришимиз лозим. Аслини олганда ана шуларнинг ҳаммаси СССР Олий Совети ва мамлакат ҳукумати ўз зиммасига олиши шарт бўлган масъулиятнинг мазмунли қисми бўлиб қолади. Мамлакатда ўрим-йиғим авж олиб кетди,

**(Давоми иккинчи бетда).**

## МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ—ДАЛАДА

**● Урганч районидаги Чапаев номли колхозда бундан қарийб йигирма кун олдин тушган кучли дўл натижасида зарарланган экинлар парвариши кучайтирилмоқда.**

Хўжаликда 40 гектар ердаги қовун-тарвуз ҳосили жиддий шикастланган эди. Деҳқонлар мутахассислар билан маслаҳатлашиб бир қисм майдонларни бузиб, бошқа экинлар экиш, қолган ерлардаги экинни қўшимча парваришлаш чора тадбирларини белгиладилар. Белгиланган тадбирларни бажариш учун дарҳол ишга киришилди. Қўшимча ғўза, техника ва бошқа ресурслар ажратилди.

Лекин қовун-тарвуз парваришлаш, хусусан, кетмон чопиқ қилиш, ўғитлаш учун кўпроқ ишчи кучи зарур бўлади.

— Мен колхоз фермасида сут соғувчи бўлиб ишлайман, — дейди Фотима Собирова. — Яқинда меҳнат таътилига чиққач, дам олишга кетмоқчи эдим. Ўғлим Қурбондурди Салоев 2,2 гектар ерда етиштираётган полиз экинлари дўлдан зарарланганлигини кўриб, дам олишдан воз кечдим. Меҳнат таътилини далада ўтказишга аҳд қилдим. Болаларимни ёнимга олиб, парваришга зўр беряпмиз.

**К. РИХСИЕВ.**

# АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕАЛИЗМИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз ҳам барча жорий масалаларни, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш масаласини чаққонлик билан ҳал қилишимиз керак. Ўримйиғимни муваффақиятли ўтказиш, маҳсулотнинг нобудгарчилигига йўл қўймаслик учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилиш зарур. Ҳозир бу энг муҳимдир.

Шу муносабат билан белгиланаётган вазифалар ва мақсадларга фақат халқ хўжалигининг самарали ишлаши асосидагина эришиш мумкинлиги мутлақо тушунарлидир. Шу боисдан куч-ғайратларни фақат миллий бойликларни тақсимлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга оширишгагина жамламай, балки бунёдкорликка қаратиш асосий вазифадир. Биз сизлар билан биргаликда халқ хўжалигининг барча меҳнат коллективларининг барқарор ва муттасил ривожланишига, мамлакатнинг ҳар бир граждани самарали ишлашига имкон берадиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишимиз керак. Фақат шундай принцип ҳозир мақбул бўлган ва халқнинг умидини оқлаш имконини берадиган хўжалик юритиш бутун мантиқининг негизи бўлиб қолиши лозим.

Биз — табиий ва одам ресурсларига бой мамлакатмиз, зотан биз ҳозиргига қараганда, анча яхшироқ яшашимиз керак. Нима учун биз бунга эриша олмаяпмиз, деган савол туғилиши табиий. Бунинг сабаби нимада? Бунда халқ эмас, балки давлатда таркиб топган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар системаси айбдор эканлиги мутлақо равшан. Совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш мақсадида СССР Олий Совети ҳам, мамлакат ҳукумати ҳам ўз куч-ғайратларини мазкур системани тубдан ўзгартиришга сарфлашлари лозим.

Албатта, бажариш зарур бўлган ишлар орасида инсоннинг талаб-эҳтиёжларини қондириши лозим бўлган экономика соҳаларининг кўп йиллик таназзули, мамлакатнинг бир қанча регионларида экологик тангликка юз тутиш, хўжалик юритиш механизми баъзи жиҳатларининг пухта ишланмаганлиги каби ва бошқа бир қанча объектив қийинчиликлардан бир талайини бартараф этишимизга тўғри келади. Аммо давлатимизда сиёсий ўзгартишлар билан бошланган иқтисодий ислоҳот чуқурлашаётганлиги муносабати билан экономиканинг барча соҳаларида ва умуман жамиятда интизомни, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашнинг муҳимлиги қанчалик ортиб бораётганлиги тўғрисида ҳам гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси кейинги вақтларда иккинчи ўринга ўтиб, кўпгина партия, совет ва хўжалик органларининг диққат марказидан тушиб қолди. Натижада баъзи тармоқлар, ўлкалар, областлар ва республикаларда авж олиб бораётган салбий жараёнлар мамлакатдаги аҳволни яна ҳам кўпроқ мушкуллаштирмоқда. Бироқ бир меҳнат коллективидаги етилган ва низоли масалаларни зўравонлик усуллари билан ҳал этиш мумкин эмас. Бундай масалалар группавий можароларни кўриб чиқиш тўғрисидаги қонун асосида ҳал этилиши керак, шундай қонун лойиҳаси эса, ўзларингизга маълумки, Олий Советга тақдим этилган.

Сиёсий, иқтисодий системадаги, ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларидаги ўзгартишлар юксак даражадаги интизомга, уюшқоқлик ва тартибга барча кучларни жипслаштиришга асосланишни лозимлиги равшан. Бу масалалар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, Олий Совет билан ҳукуматнинг амалий ишида етарлича эътибор берилишини талаб қилади.

СССР Министрлар Совети ушбу сессияда тасдиқлангандан кейин бу ерда кўтарилган барча масалаларни кўриб чиқади, яна бир бор баҳо беради ва шубҳасиз, ўз ҳаракатлари программасини тўғрилаб чиқади.

Экономикада вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, ҳукумат ишини ташкил этишнинг ҳаммасини, халқ хўжалик комплексларининг структуравий қурилишини, шунингдек СССР Министрлар Совети аппаратининг ички структурасини диққат билан кўриб чиқиш керак бўлади, албатта. Мана шу барча ишлар билан янги тузилган ҳукуматнинг дастлабки тадбирлари бошланиши лозим бўлган реал амалий иш доирасида кечиктирмай шуғулланиш керак бўлади.

Сессияда социал соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу табиий. Чунки, у ҳар бир совет кишисининг кундалик турмуши билан боғлиқдир.

Шу муносабат билан ҳукуматда мана шу комплекс аҳамиятини ошириш тўғрисида таклифлар айтилди. Биз СССР Министрлар Совети Президиумида кучларни тўғри жой-жойига қўйиш учун ғоят пухта ёндашдик, албатта. Биз СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Л. А. Воронин иттифоқ министрликлари ва республикаларнинг жорий, оператив масалаларини ҳал этиш, билан бир қаторда истеъмол бозорини халқ истеъмол товарлари билан мўл-кўл таъминлашга оид муаммолар хусусида пухта иш олиб бориши тўғрисида қарор қабул қилганлигимизни халқ депутатларига маълум қилмоқчиман. Демак, СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюроси, айтиш мумкинки, бундан қудратли мадад олади.

Халқ депутатлари съездда ҳам, СССР Олий Советининг сессиясида ҳам мамлакатда маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар хусусида кўтарган масалага алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Бир қанча нутқларда жамоат турмушидаги ахлоқий жиҳатларни, маданий меросининг бебаҳо қадриятларини мустаҳкамлаш зарурати тўғрисидаги, санъат оламида, халқ таълимида ва бошқа кўпдан-кўп соҳаларда юз бераётган мураккаб вазиятларга нисбатан йўл қўйилаётган камчиликлар хусусидаги жиддий хавотирлик тушунарлидир. Булардан маҳрум бўлиш ҳатто энг кам деганда бутун жамият учун тузатиб бўлмас хато бўлур эди. Уларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгартишларнинг муҳимлиги билан боғлиқдир.

Биз СССР Министрлар Совети Президиумида мана шу барча муаммолар хусусида маслаҳатлашиб олдик. Ўйлаймизки, агар социал ривожланиш бюроси ўз куч-ғайратларини социал маданий соҳанинг моддий базасига қаратса, тўғри бўлар эди. Айни вақтда СССР Министрлар Советининг бевосита мамлакат ҳукумати бошлиғига бўйсунадиган мустақил маданият ва халқ таълими бўлимини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. (Қарсаклар).

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеига, оилани мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг таъсирчан ҳуқуқий асосларини шакллантиришга давлат ошкора етарли эътибор бермаётганлиги тўғрисида халқ депутатлари ўз сайловчилари номидан кўпгина аччиқ ва ҳаққоний шикоятлар билдирдилар. Мана шу масалаларнинг ўткирлиги равшандир. Уларнинг ҳаммаси ҳал этилиши керак. Мазкур масалалар билан вақти-вақти билан эмас, балки ҳар куни, ижтимоий турмушнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларида аёлнинг ролини оширишнинг, унинг ишлаб чиқариш ва турмушда социал жиҳатдан ҳимояланишини таъминлашнинг мураккаб муаммоларига системали ёндашув асосида шуғулланиш зарур. Хуллас, бу соҳадаги ишлар кўлами жуда кенгдир. СССР Олий Советида мана шу ишлар билан батафсил шуғулланиш учун, маълумки, тегишли комитетлар ва комиссиялар тузилди.

Ҳукумат бу масалани ҳам кўриб чиқди ва СССР Министрлар Советининг хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланувчи мустақил бўлимини ҳам тузиш зарур, деган хулосага келди. Афтидан, бу бўлимни ҳам ҳукумат бошлиғининг бевосита фаолияти соҳасига киритиш керак бўлади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар!

Халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорлари ҳукумат олдига шу йили амалга оширилиши лозим бўлган мутлақо конкрет ва ва хилма-хил вазифаларни қўйди. Мана шу ғоят қисқа вақт ичида биз биргаликда жуда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишимиз керак. Афтидан, бу масалага батафсил тўхталиб ўтиришнинг зарурати йўқ. Аммо асосий жиҳати хусусида барибир гапирмоқчиман. Бу энг аввало 1990 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш планини, шунингдек ўн учинчи беш йилликнинг асосий йўналишларини тайёрлашдан иборат. Уларда экономикадаги салбий жараёнларни бартараф этиш имконини берадиган барча тадбирларни кўриб чиқиш зарур.

Энг ўткир ва кечиктириб бўлмайдиган социал муаммоларга оид қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш соҳасида жиддий ишларни амалга ошириш лозим. Биз халқ депутатлари съездида келишиб олганимиздек, ана шу муаммоларга оид тадбирлар келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб амалга оширилиши керак.

Ҳукумат шу йилнинг ўзидаёқ, октябрь ойидан кечикмай, пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини тайёрлашни тугаллаш вазифаси қўйилмоқда. Чунки қонунни СССР Олий Совети пухта ишлаб чиқиб, қабул қилганидан кейин у ўн учинчи беш йилликнинг бошидан бошлаб жорий этилиши керак.

Ҳукумат иқтисодий ислоҳотни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Совети иштирокида тайёрланган иттифоқдош республикаларда ўз-ўзини бошқарув ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономикага ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуриш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини кўриб чиқади ва Олий Советга тақдим этади. Мазкур қонун ҳар бир иттифоқдош республиканинг ўзига хос хусусиятини ва потенциалини ҳисобга олган ҳолда кучларни бирлаштириш, меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ўзаро фойдали асосда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва социалистик бозорни тезроқ шакллантириш ишида муҳим тадбир бўлиб қолиши керак. Иттифоқдош республикаларга, маҳаллий бошқарув органларига янги қўшимча ҳуқуқлар берилиши уларнинг одамлар турмушига оид кўпгина масалалар ҳал этилиши учун масъулиятини ошириши кераклиги шубҳасиздир. Депутатлар мана шу умумиттифоқ минбаридан ана шу масалалар тўғрисида гапиришга мажбур бўлмоқдалар.

Съезддаги мунозара, ҳукумат таклифларининг комиссиялар, комитетлар мажлисларида ва СССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқилиши экономикада вужудга келган аҳвол, айниқса унинг молиявий аҳволи, истеъмол бозори ва пул муомаласининг мувофиқлаштирилиши, мулкчиликнинг хилма-хил формаларидан фойдаланиш асосида хўжалик юритишнинг бутун системасини ҳар томонлама такомиллаштириш зарурати ва иқтисодий ислоҳотнинг бошқа масалалари тегишли қонун актлари комплексини шошилинч ишлаб чиқишни ва қабул қилишни тақозо этаётганлигини кўрсатди. Бундай самарали ҳуқуқий асосга эга бўлмай туриб, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишида тез ўзгаришлар бўлишига чинакам умид боғлаш қийин бўлади. Шу муносабат билан қонунчилик системасини қайта қуриш, неча ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ва ўзида ижтимоий турмушимизнинг барча соҳаларини бошқаришнинг аллақачон эскирган усуллари тамғасини қолдирган бутун қонун нормативларини қайта кўриб чиқиш соҳасида ўз кўлами ва мураккаблиги жиҳатидан жуда катта ишларни амалга ошириш керак бўлади.

СССР Иттифоқининг чинакам қонунлар мажмуасини яратишдан иборат пировард вазифани ҳал этиб берадиган қонунларни системалаштириш ва кодификациялаш соҳасида ҳар томонлама профессионал иш олиб бориш зарур. Қисқа вақт ичида гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан қарор топтиришга оид кўпгина ишларни бажариш лозим.

Бу ишда давлатнинг барча органлари ва энг аввало ҳокимият ва бошқарувнинг олий органлари иштирок этиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ўртоқлар, сиёсий системани ислоҳ қилиш мамлакатимизнинг доимий ишловчи парламентини вужудга келтирди. Ҳукумат ва СССР Олий Советининг таркиб топган ўзаро муносабатларини қайта кўриб чиқишни, қайта қуришнинг умумий мақсадлари йўлида биргаликда фаол иш олиб боришни, энг муҳим масалалар соҳасида ҳамжиҳатлик, доимий мулоқот муҳитини вужудга келтиришни талаб қиладиган янги вазият юзага келди. Биз ўз фаолиятимизни айни мана шундан бошлаш ниятидамиз.

Бунда ҳукумат билан СССР Олий Совети ўртасида изчил таркиб топа бошлаган ва тобора кўпроқ йўлга қўйилаётган амалий алоқалар системасидаги янги жиҳатларни қўлдан бой бермаслик ғоят муҳимдир. Бу система аниқ-пухта, мукаммал бўлиши, ошкоралик ва демократиялашнинг энг яхши анъаналари руҳида ривожланиши ва амал қилиши даркор.

Ҳурматли ўртоқлар!

Бугун ҳукумат тузиб бўлинди. Бу воқеанинг ўзиёқ жамият турмушида, айтиш мумкинки, мамлакатимизда Советлар амал қилган неча ўн йиллар давомида одатдан ташқари мислсиз воқеа бўлди. Бу давр муттасил ривожланиб бораётган демократик ўзгартишлар жараёнининг энг муҳим бўғини сифатида давлатимиз тарихидан ҳақли равишда жой олади. Мазкур залда уч ҳафта давомида халқ депутатларининг олий бошқарув лавозимларига номзодлар билан мураккаб ва ғоят самарали мулоқоти қизғин давом этди. Уч ҳафта мобайнида совет халқи ҳукуматни тузишда ўзига хос тарзда иштирок этди. У овоз бермасада, аммо хатлар, телеграммалар ва матбуотда ўз фикрини изҳор этди.

Мамлакатнинг ҳурматли гражданлари!

Лоқайд бўлмаганлигингиз ва қўллаб-қувватлаганингиз учун тузиб бўлинган янги ҳукумат номидан сизларга астойдил миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Биз бундай муносабатни доимо ҳис этиб турдик.

Янги ҳукуматнинг вазифаси — халқнинг юксак ишончини оқлашдир. **(Қарсаклар).**

# СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Кўпчилик овоз билан Е. А. Варначев СССР халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари, В. П. Баженов, А. И. Ильенков, В. Н. Кулков, А. В. Романцов ўринбосарлар этиб сайланади. СССР халқ контроли комитетининг аъзолари қилиб В. Г. Волчихин, Н. Н. Глебова, В. П. Денисов, П. Е. Дикарев, Л. Д. Казаков, Е. А. Кочерин, О. Р. Лацис, Й. В. Лукаускас, А. В. Мерзленко, Г. М. Никифоров, В. Н. Севрук, М. Н. Студеникина ҳам тасдиқландилар.

**Раислик қилувчи** СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқи номидан имзоланган бир қанча халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш учун тақдим этганини маълум қилди. Конституцияда бундай ҳужжатларнинг СССР Олий Совети Президиуми томонидан ратификация қилиниши кўзда тутилмаган. Бу ҳужжатлар юзасидан қарорлар сессияда қабул қилиниши керак.

Мазкур ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун халқаро ишлар комитетига топшириш, зарурат туғилган тақдирда СССР Олий Советининг бошқа комитетларини ва палаталарнинг доимий комиссияларини жалб қилиш тўғрисида таклиф киритилди.

Бу масалани муҳокама қилишда депутатлардан **В. И. Огарок, С. М. Рябченко, А. В. Яблоков, Б. Н. Ельцин, А. С. Дзасохов** қатнашдилар.

Бир группа депутатларнинг илтимосига биноан СССР ички ишлар министри **В. В. Бакатин** сўнгги кунларда Абхазияда рўй берган воқеалар ҳақида ахборот берди.

Сессияда СССР Олий Советининг қарори қабул қилинди.

**Қарорда бундай дейилади:** СССР Олий Совети Абхазияда вужудга келган вазиятдан жиддий ташвиш изҳор этиб, Грузия ССР Министрлар Советига, Абхазия АССР Министрлар Советига, СССР Ички ишлар министрига тартиб ўрнатиш, социалистик қонунчиликни, аҳолининг пухта хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зудлик билан қатъий чоралар кўришни топширади.

СССР Олий Совети Грузия ССРдан ва Абхазия АССРдан сайланган СССР халқ депутатларига ўз сайловчиларига мурожаат қилиб, барча низоли масалаларни интернационализм ва совет халқларининг дўстлиги принципларига асосланиб, тинч воситалар билан ҳал этишга даъват қилишни тавсия этди.

СССР Олий Совети аҳолининг таъминотига, корхоналарнинг барқарор ишлашига, меҳнаткашларнинг дам олиш жойларига бориш имкониятига халақит бераётган нонормал аҳволни тугатиш учун Закавказье темир йўлидаги қатновни дарҳол тиклаш зарур, деб ҳисоблайди.

СССР Олий Совети Абхазия АССР территориясида яшовчи барча гражданларга — абхазларга, грузинларга, бошқа миллат намояндаларига мурожаат этиб, вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва ишонч ўрнатиш, одамларнинг осойишта яшаб, меҳнат қилишларига имконият яратиш учун бутун кучни сарфлашга чақиради.

Депутатларнинг илтимосига биноан СССР граждан авиацияси министри **А. Н. Волков** халқ депутатларига аэрофлотнинг хизмат қилиш тартибидан уларни хабардор этди.

Маълумот учун сўз олган депутат **В. Г. Разумовский** газета ҳисоботларида СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси лавозимига Г. А. Ягодин номзодини муҳокама қилиш қатнашчиси деб янглиш кўрсатилганини айтди. Шу муносабат билан у мазкур комитет олдида турган муаммоларни ҳал этиш йўллари хусусидаги ўз нуқтаи назарини баён қилиб берди.

Мажлис тугади.

18 июлда СССР Олий Совети комитетлари ва комиссияларининг мажлислари бўлади.

Палаталар 19 июлда Қўшма мажлисга тўпланадилар.

(ТАСС).

# «Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг 7-сони босмадан чиқди ва обуначиларга тарқатилмоқда. Бу сон партия Марказий Комитетининг июнь ойидаги иши тўғрисидаги ахборот билан очилади. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленуми якунларига кўра, Марказий Комитет Сиёсий бюроси маъқуллаган ҳаракат программаси эълон қилинмоқда. Ушбу программа сиёсий ва ташкилотчилик иш соҳаларини, социал-иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсатни, миллатлараро муносабатларни қамраб олади. Бир қанча ҳужжатларда илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётгани баён этилган.

Журналда КПСС Марказий Комитети халқаро сиёсат масалалари комиссиясининг мажлисидан ёзилган ҳисобот босилган, мазкур мажлисда СССРнинг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини қайта қуришнинг бориши муҳокама қилинган эди. Ушбу мажлисда иккинчи жаҳон уруши чиқиб кетишининг мафкуравий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатлари кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари 1939 йилги воқеалар хусусида, Совет-Германия шартномаларига баҳо бериш, уруш табиатини, унинг асосий сабоқларини идрок этиш хусусида фикр алмашдилар.

Бу сонда журналхон эътиборига КПСС Марказий ревизия комиссияси бюросининг Вологда ва Смоленск область партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг ишини таҳлил этиш тўғрисидаги ахбороти ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитети иши тўғрисидаги ахборот ҳавола этилган, партия контроли комитети июнь ойида 7 та текширув натижаларини, коммунистларнинг 66 та апелляция ва аризаларини кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошида содир бўлган репрессиялар билан боғлиқ материалларни қўшимча ўрганишга оид ҳужжатларини эълон қилиш давом этмоқда. Бу гал «Москва маркази иши» ва «Кремль иши» деб номланган ишлар тўғрисида ҳикоя қилинган.

«Ахборот ва хроника» бўлими идеология ходимларининг Гродно шаҳрида бўлиб ўтган семинар-кенгаши якунлари, 1989 йилнинг биринчи ярмида бир қанча марказий газеталар ва журналлар обуна тиражларидаги ўзгаришлар, СССР халқ контроли комитетининг колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг сифати қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисидаги хати билан таништиради.

Июнь ойида бўлган музокаралар, учрашувлар ва суҳбатлар хроникасида партиянинг халқаро алоқалари тўғрисида сўз боради. Ушбу саҳифаларда ВСИП раиси Реже Ньерш ва ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари Цзян Цзяминнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар эълон қилинган.

Ушбу сондаги бир қанча материаллар журналхонларнинг илтимосига кўра махсус тайёрланган. Булар орасида КПССнинг миллий состави тўғрисида батафсил ахборот, шунингдек ВКП (б) XVII съездида партия марказий органларини сайлаш чоғидаги овоз бериш натижалари, жумладан И. В. Сталинга қарши қанча овоз берилгани ҳақида маълумотлар бор.

КПСС Марказий Комитети почтаси материаллари орасида чет эл гражданларининг хатлари тўғрисида маълумотнома ва 1988 йилда КПСС Марказий Комитетига юборилган хатлар мавзуи ҳақида ахборот бор.

Ушбу соннинг архив бўлимида партия Марказий Комитетининг 1919 йил январь-март ойларидаги фаолияти тўғрисида ҳужжатли хроника, Г. В. Зиновьевнинг В. И. Ленин тўғрисидаги хотираларининг давоми бор. Машҳур иқтисодчи олим Н. Д. Кондратьевнинг СССР қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларига оид мактуби ҳам эълон қилинмоқда. Бу мактубни олим 1927 йилда Марказий Комитет Сиёсий бюроси комиссиясининг топшириғига кўра ВКП(б) XV съездига ёзган эди. Бўлим якунида А. М. Горькийнинг илгари эълон қилинмаган олтита мактуби ва «Известия ЦК РСДРП» журналининг 1907 йилда яширинча нашр этилганлиги тўғрисида қисқача ахборот ҳам босилган.

(ТАСС).

# ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси Хоразм область ижроия комитетининг партия ва ҳукуматнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган қарорларини бажариш юзасидан ишини мутлақо етарли эмас деб топди.**

Расмиятчилик ишга путур етказмоқда. Ижроия комитетнинг мажлисларида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш масалалари онда-сонда кўриб чиқилади. Тузилган комиссиянинг куч-ғайратлари дуруст самара бераётгани йўқ, қабул қилинган қарорлардан эса ижрочилар хабардор эмас, қарорларнинг бажарилиши назорат қилинмайди. Натижа ҳам шунга ярашадир: ичкилик ичиб олиб ёки қора дори истеъмол қилиб содир этилган жиноятлар сони шу йилнинг беш ойи мобайнида қарийб бир ярим баравар кўпайди.

Маст бўлиб машина бошқараётган одамнинг нечоғлик хавфли эканлиги ҳаммага маълум. Областдаги давлат автоинспекцияси беш ой мобайнида 838 киши маст ҳолатда транспорт воситаларини бошқарганини қайд қилди. Улар орасида 120 дан кўпроқ мансабдор шахслар бор. Гурлан районидаги У. Юсупов номли ўрта мактаб директори Ю. Тўраев, Урганч шаҳар касаба союз комитетининг раиси Ш. Бойжонов, Урганч район матлубот жамияти раисининг ўринбосари К. Отажонов, область соғлиқни сақлаш бўлими гаражининг бош механиги Р. Раимбоев шулар жумласидандир. Хуллас, бу одамлар хизмат бурчларига кўра ичкиликбозликка йўл қўймасликлари керак эди.

Ҳушёрхонанинг «мўътабар меҳмон»лари орасида аэропорт инженери Р. Илёсов, область социал таъминот бўлими мудирининг ўринбосари Х. Холбоев, туризм ва экскурсиялар область Советининг инструктори Б. Шерстаков ва бошқалар бор.

Спиртли ичимликларни олиб сотиш ва ана шундай ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларининг бузилаётганлиги айниқса ташвишлидир.

Комиссия мажлисида область ижроия комитети аҳолига наркология ёрдами бериш борасида зарур чоралар кўрмаганлиги таъкидланди. Наркология муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу муассасаларни малакали медицина кадрлари билан таъминлашга оид масалалар қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Бундай масалалар кўп ҳолларда оддий санитария-гигиена қонун-қоидаларига ҳам жавоб бермайдиган биноларда жойлашган, айримларида эса ишлаш сира мумкин эмас. Республика комиссиясининг бино ажратиб бериш тўғрисидаги топшириғи бажарилмади.

Даволаш муассасаларида наркотик моддаларни ҳисобга олиш ва асраш тартиби қўпол бузилмоқда. Масалан, область наркология диспансерининг бош медицина ҳамшираси М. Арслонова қўлида таркибида наркотик моддалар бўлган 15 ампула дори қарийб бир йил мобайнида ғайриқонуний тарзда сақланган.

Нарколог врачлар маълумотларнинг сохталаштирилишига йўл қўймоқдалар. Мажлисда қуйидаги ҳодиса тилга олинди. Урганчдаги район марказий касалхонасининг нарколог врачи А. Тангриев бемор Тоир Р.нинг касаллик варақасига 1987 йилнинг 23 апрель, 28 июль ва 12 октябрь кунлари қаровдан ўтди, деб белги қўйган. Қаров вақтида Тоир Р. билан суҳбатлашилди, деб қайд этилган, аслида эса бу одам 1 апрелда вафот этган экан.

Қабул қилинган қарорда комиссия область ижроия комитети ва унинг раиси Қ. Х. Ҳалимбетов зиммасига кўрсатилган камчиликларни йил охиригача қатъият билан бартараф этиш, областда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун етарлича тадбирлар кўришни топширди.

Бухоро шаҳрида совет, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотларининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш юзасидан иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия айрим ижобий силжишлар бўлганини қайд этиб, шаҳар ижроия комитети фақат бир қанча, асосан маъмурий-ҳуқуқий тадбирларнигина кўриб, бу ишни тубдан қайта қуришга эришмаганлигини таъкидлади. Бу борада ҳам расмиятчилик кўп. Ичкиликбозликка қарши кураш қонуни қоидаларини амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар конкрет эмас, ушбу тадбирлар ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар билан мустаҳкамланмаган. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссиялари фаолиятида ҳам анчагина камчиликлар бор. Ичкилик ичиб олиб қилинган жиноятлар ҳам, маст ҳолда транспортни бошқариб қўлга тушган ҳайдовчилар ҳам кўпайиб бормоқда.

Республика комиссияси бошқа тадбирлар қаторида барча коллективларда алкоголга қарши қонунларнинг ҳар қандай йўсинда бузилишига нисбатан тоқатсизлик муносабатини қарор топтиришда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Ичкиликка ружу қилган кишиларнинг раҳбарлик лавозимларида, сайлаб қўйиладиган совет, хўжалик органларида ишлашига, шунингдек одамларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ишларда меҳнат қилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Республика Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими министрликлари партия ва ҳукуматнинг ўқувчилар ва студентлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш тўғрисидаги кўрсатмаларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги масала ўткир муҳокама қилинди.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлар сони ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ички ишлар органларининг маълумотларига кўра, шу йилнинг 1 июнига қадар республикада балоғатга етмаган 681 гиёҳванд ва 351 заҳарванд рўйхатга олинган эди.

Мажлисда киши танг қоладиган фактлар тилга олинди: Чироқчи районидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси Маҳамадиев, Бағдод районидаги 26-ўрта мактаб муаллими Тожиев, Иштихон районидаги 56-ўрта мактаб ўқитувчиси Жумабоев, Совет районидаги 10-ўрта ҳунар-техника билим юрти муаллими Бурхонова, Шуманай районидаги Менделеев номли ўрта мактаб ўқитувчиси Ешимбетова наркотик моддалар тарқатганликлари учун жавобгарликка тортилдилар. Улар ёшларга билим бериш, маърифат тарқатиш ўрнига томорқаларига афюн экканлар ва буни ёшларга берганлар. Эндиликда бу пайкаллар йўқ қилиб ташланди.

Комиссия министрликларнинг ёшлар ўртасидаги гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан олиб бораётган ишини етарли эмас, деб топди.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлигига ўсмирлар наркологияси сектори бўлган республика илмий-методик наркология маркази яратиш юзасидан ташкилий ишларни ниҳоясига етказишни топширди. Халқ таълими министрлиги ўқув юртлари коллективларида, аввало ўқитувчилар наркотик моддаларни тайёрлаш ва сотишда иштирок этаётган ана шундай ўқув юртларида ахлоқий тарбиянинг аҳволини таҳлил этишлари керак. Педагогик кадрлар малакасини ошириш билан шуғулланаётган барча институтларда наркотик ва заҳарванд моддалар истеъмол этишнинг дастлабки босқичларидаёқ бу дардни аниқлаш методикаси хусусида лекциялар курсини таъсис этиш топширилди.

(ЎзТАГ).

# Ўзбекистон ССР прокуратурасида

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегиясининг кенгайтирилган мажлисида прокуратура органлари ишининг биринчи ярим йилликдаги якунлари ҳамда социалистик ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш шароитида прокурорлик назоратининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кейинги вақтларда экономика соҳасида қонунларга риоя этилишига эътибор кучайганлиги, гражданларнинг ҳуқуқлари кафолотларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни бузишни тугатиш чора-тадбирлари активроқ қўллана бошланганлиги қайд этилди.

Бироқ, ҳозирча прокуратура органларининг ишини яхшилашда туб бурилиш бошланмаганлиги докладда ва нутқларда таъкидлаб ўтилди. Жиноятчилик янада кўпайганлиги, гаразли жиноятлар — босқинчиларча ҳужум қилиш, талаш, гражданларнинг шахсий мол-мулкини ўғирлаш каби жиноятларнинг сони кўпайиб бораётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Бу — қонунбузарликнинг социал сабабларини тугатиш масалаларидаги катта хатоларнинг, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, текинхўрлик билан кун кечиришга қарши кураш заифлашиб кетганлигининг натижасидир.

Коллегия мажлисида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган областлари прокурор ходимлари шанига қаттиқ танқидий мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзТАГ).

## МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

### ГАП ЁШДА ЭМАС

**✦ Ильичевск шаҳридаги деворбоп материаллар заводининг директори лавозимига сайловда воқеаларнинг бундай кечишини ҳеч ким кутмаган эди. Кўрсатилган номзодларнинг тўртовни ҳам, олий маълумотли, каттагина тажрибага эга бўлган одамлар эди. Лекин ҳаммадан кўп — 58 процент овозни энг ёш, эндигина 33 ёшга кирган Илҳом Саидумаров олди.**

— Директор бўлишимни ҳеч ҳам ўйламаган эдим, — дейди Илҳом. — Рўйхатга киритишса киритишар, барибир катталар учун овоз беришади, деб ўйлаган эдим. Лекин, демократия шароитида одамлар ўзгача принципларга амал қилишар экан... Майли, агар ана шу лавозимга мени лозим кўришган экан, бутун куч-ғайратимни сарфлаб ишлашга тўғри келади.

Ёш директор бу ерда Фарғона политехника институтини битирганидан кейин бош механик бўлиб ишлаётган эди. У ўз участкасида ускуналар самарадорлигини оширишга, интизомни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Коллектив буни муносиб баҳолади ва энди ёш мутахассис бутун заводнинг илгарилашига ёрдам беради, деб умид қиляпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир вақтда унинг сифатини ҳам яхшилаш хусусида Илҳомнинг ўз муайян программаси бор. У корхонада режалаштирилган ишлаб чиқариш даражасига — йилига 78 миллион дона ғишт тайёрланишига яқин ойлар ичидаёқ эришиш ниятида.

## ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

**✦ Қўҳна Хоразмга Совет Украинасидан кўплаб туристлар кела бошлади. Бу ишда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси ходимлари ёрдам беришди: улар анчадан буён Урганч — Киев янги рейсини очмоқчи бўлиб юришганди, мана энди ана шу рейс билан самолётлар уча бошлади. Маҳаллий аэропортдан Украина пойтахтига ҳафтасига уч марта ТУ-154 самолёти қатнайди.**

Янги ҳаво йўли хоразмликлар учун ҳам анча қулайликлар яратди. Энди улар Украинадаги санаторийлар ва курортларга, олий ўқув юртларига анча тезроқ етиб боришяпти: Украинага етиб олиш учун икки ярим соат етарли. Илгари шу маршрут билан учиш учун бир самолётдан тушиб, бошқасига ўтишга тўғри келар ва икки-уч кун вақт кетар эди.

Маҳаллий авиаторлар шу ёзда яна иккита янги ҳаво йўли очганликлари қувонарлидир. Энди самолётлар Наманган ва Фарғонага мунтазам қатнай бошлади.

Урганч шунингдек Москва, Кавказдаги курортлар, Бухоро, Самарқанд ва албатта, Тошкент билан ҳаво йўли орқали боғланган. Келажакда яна бир маршрут — Болтиқбўйи курортларига қатнайдиган рейс очиш режалаштирилган.

Реконструкция қилинганидан кейин Урганч аэропорти тобора кўпайиб бораётган йўловчиларни қабул қилиш ва жўнатишга тайёр бўлиб турибди. Бу ерда янги кафе, бар, бошқа савдо ҳамда маиший хизмат пунктлари очилди, «Парвоз» меҳмонхонаси ремонтдан чиқарилди.

(ЎзТАГ).

МУЛОҲАЗА • МУҲОКАМА • МУНОЗАРА

# ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИНМИ?

## ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Кейинги пайтларда хўжалик ҳисоби ҳақида кўп гапирилмоқда. Иқтисодчи мутахассисларнинг фикрича, мамлакат экономикасини кризисдан қутқазишнинг, пулнинг тобора қадрсизланаётганлигини ҳамда камёблик тобора кучайиб бораётганлигини ва шунга ўхшаш нохуш ҳолатларни бартараф этишнинг муҳим амалий воситаларидан бири республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказишдир. Бу гоя Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди. Болтиқбўйи республикалари, Белоруссия ССР, Свердловск области, Москва ва Ленинград шаҳарларида тажриба тариқасида ўн учинчи беш йилликдан эътиборан хўжалик ҳисобига ўтиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Эстония ССР Олий Совети сессияси республика хўжалик ҳисоби асослари ҳақида қонун чиқарди, Олий Совет эса республикани хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. СССР халқ депутатлари съездида ҳам Болтиқбўйи республикаларини хўжалик ҳисобига ўтказиш қоидалари баён этилди. Бу республикалар ҳозир тўлақ хўжалик ҳисобига ўтиш муддатларини илгари суришни, яъни 1990 йилнинг бошидан бошлашни ўртага қўймоқдалар.

Республика хўжалик ҳисобининг моҳияти ва асосий принципини пировард натижани харажатлар билан таққослаш ташкил қилади. Халқ хўжалигининг, шу жумладан, ижтимоий жабҳанинг ривожланиш имкониятлари ва меҳнаткашларнинг турмуш даражаси энг сўнгги натижага боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир республика маблағни энди марказдан сўраб эмас, балки ўзи ишлаб топиши, ўз воситалари ҳисобига яшаши лозим.

Республика хўжалик ҳисобини шароитида бюджет системасини шакллантириш жараёнини тубдан қайта қуриш натижасида узоқ муддатли ва барқарор нормативлар асосида марказлаштирилмаган манбалардан фойдаланишга ўтиш ҳисобига республика иқтисодий мустақиллиги ортади. Бундай манбалар асосан республика территориясидаги давлат корхона ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш фондлари учун тўловлар, шунингдек фонддан фойдаланганлик учун ижара ҳақи, корхона, ташкилот ва аҳолидан тушадиган фойда ҳамда даромад солиқларининг чегирмаларидан вужудга келадиган маҳаллий бюджет маблағларидан бир қисмини ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда республикамизда етиштириладиган ялпи саноат маҳсулотининг қарийб учдан бир қисми умумиттифоқ министрликлари ва маҳкамалари қарамоғидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Улар маҳаллий табиий ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланаётгани ҳолда ишлаб чиқарган келадиган фойдани тўлалигича марказлашган давлат бюджетига ўтказади. Ваҳолонки, улар коммунал ва уй-жой қурилиши, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ишларига кетадиган харажатларнинг маълум қисмини қоплашлари керак. Бу тадбир маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашда анча қўл келади. Марказдаги кўпгина олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистон гўё умумиттифоқ фондига кам нарса бериб, ундан кўп нарса ундиради. Бунинг исботи сифатида республикалар давлат бюджетининг дефицитлиги рўкач қилинади. «Наш современник» журналининг 6-сонида юридик фанлари доктори, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Галина Литвинова регионимизни яна «текинхўрлик»да айблаб, бу ерда амалга оширилган социал-иқтисодий ўзгаришлар мамлакатимиз Россия қисми ҳисобига бажарилганлигини таъкидлайди. А. Сужиковнинг («Коммунист», 1987 й. №18, 95-бет) фикрига қўшилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ҳозирги кундаги муаммолари, жумладан ҳуқуқий ва меҳнат интизомининг, маҳсулот сифатининг пастлиги, тайёрга айёрлик кайфияти, маълум маънода «кескин сакраш» ёрдамида кечаги ўрта аср деҳқонини ҳозирги замон фан-техника цивилизацияси асрига «олиб чиқиш учун интилишимизнинг» оқибатидир деб ҳисоблайди. Хўш, шундай ҳам дейлик. Унда марказнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан ундириладиган оборот солигининг бир қисмини ҳом ашё етказиб берадиган регионларга бериш ҳақидаги республика ҳукуматининг таклифига розилигини қандай тушуниш керак? Бу тадбир 1991 йилдан бошлаб пахта ҳисобига ҳар йили республика бюджетига қўшимча 2 миллиард сўм тушишини билдиради. Бу олға қўйилган қадам бўлиб, давлат бюджети дефицитини тўла қоплайди. Лекин бошқа бир савол ҳам туғилади. Нима учун фақат 2 миллиард сўм? Ахир, республикамиз бир йилда етиштирадиган пахтадан 75 миллиард сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулот, 29 миллиард сўмлик миллий даромад олиши мумкин-ку! Ҳанузгача натижа ва харажатларни солиштиришнинг илмий асосланган методикаси яратилмаган экан, бунинг учун республика ва унинг халқини айблаш асоссиздир. Бир методикага кўра республика марказга қарам, иккинчиси бўйича эса аксинча.

Республиканинг хўжалик ҳисобига ўтиши нафақат бутун бир халқни тайёрга айёрликда айблаб, асоссиз камситилишларга чек қўяди, балки у энг аввало юқори самарали ишлашга бўлган қизиқишни кескин оширади. Бу механизмнинг асосий мақсади ҳам шу. Натижа қанча яхши бўлса, халқ турмуш даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Республика хўжалик ҳисоби марказ ва республика ўртасидаги муносабатларга ҳам жиддий ўзгаришлар киритиши аниқ. Ҳозир «кучли марказ ва кучли республика» ҳамда «кучли республика ва кучли марказ» тўғрисида қизғин баҳслар бормоқда. Бу шунчаки терминлар ўйини эмас, балки принципиал масала. Лекин бу икки тушунча бир-бирини инкор қилмайди. Биринчисиси иккинчиси ва аксинча иккинчисиз биринчиси мавжуд бўлмайди. Лекин уларнинг қайсиси бирламчи? Бу саволга жавоб В. И. Ленин таъбири билан айтганда «бўлак бутун билан мувофиқлашмоғи керак, аксинча эмас».

Янги шароитга мувофиқ тарзда корхоналарнинг республикага бўйсуниш мезонлари қайта кўриб чиқилиши лозим. Иттифоқ аҳамиятига молик (айниқса «Б» группаси тармоқларига мансуб) кўплаб корхоналарни республика қарамоғига ўтказиш ҳисобига бундай корхоналар сони ортаверади.

Республикани хўжалик ҳисобига ўтказиш халқ хўжалиги тармоқ структурасини қайта қуриш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Маълумки, хўжалигимизнинг тармоқ тузилиши асосан 20—30-йилларда тарқиб топди. У, биринчи навбатда, монокультурага асосланган пахта хом ашёсини етказиб беришни ривожлантиришга қаратилди. Саноат ва аграр тармоқлар ўртасидаги нисбатда, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришда жиддий нуқсонлар ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Мамлакат миллий даромадида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 20 процентни, республикамизда эса 31 процентни ташкил қилади. Саноат ишлаб чиқариш структураси ҳам ҳозирги замон талабларидан анча орқада. Бу ерда асосий ўринни енгил саноат, машинасозликда эса пахтачилик комплекси учун воситалар ишлаб чиқариш эгаллайди. Саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида машинасозлик комплексининг ҳиссаси 16 процентга, қайта ишлаш тармоқларида 13,5, енгил саноатники эса 38,4 процентни ташкил қилмоқда. Мамлакат бўйича эса бу нисбатан мувофиқ равишда 28, 15 ва 14 процентларни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз халқ хўжалигининг тармоқ структураси иттифоқникига мувофиқ келганда, фақат структуравий силжишлар эвазига қўшимча 2 миллиард сўмлик миллий даромад (унинг ишлаб чиқариладиган ҳажмининг қарийб 10 процента) олиш мумкин бўлади.

Хўжалик ҳисоби шароитида қанча миқдорда ва қайси турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни умумиттифоқ программаларини назарда тутган ҳолда республиканинг ўзи белгилайди. Гап шундаки, мамлакат учун қулай бўлган маҳсулотлар тури республика учун қулай ёки фойдали бўлмаслиги ёки аксинча бўлиши мумкин. Бу хил зиддиятлар товар-пул муносабатлари, бозор механизми орқали бартараф қилиниши мумкин. Агар республикада пахта ишлаб чиқаришни олиб қарайдиган бўлсак, унинг ҳозирги ҳажми, ўз-ўзидан маълумки, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини чегаралайди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини кескинлаштиради, бозор нархларига салбий таъсир кўрсатади. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви, сув танқислиги ва ниҳоят кейинги йилларда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланган нархларнинг бир неча бор ошувига қарамасдан пахта харид нархининг ўзгармасдан келаётганлиги деҳқонларни уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдор қилмай қўйди. Пахта хомашёсини ҳозирги ҳажмда сақлаб қолиб, ялпи ҳосилга сиғиниш давом этар экан, пахта яккаҳокимлиги балоси ҳеч қачон тугатилмайди. Монокультура халққа нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатлардан зарар етказяпти. Шу билан бирга у ҳамма вақт кишиларда монополистик психологияни қайта ишлаб чиқаради, тарбиялайди. Натижада минглаб ҳар томонлама қобилиятли, талантли кишилар ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмайди. Ўлкамизда илгари мавжуд бўлган юзлаб анъанавий касб-ҳунарларнинг кўп қисми пахтага алмашиниб, йўқ бўлиб кетганлиги фикримизнинг исботидир. Бу муаммоларни республикани хўжалик ҳисобига ўтказмасдан туриб ҳал қилиш мумкин эмас. Республика доирасида пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жиддий кенгайтириш, пахта маҳсулотларидан шу ернинг ўзида тармоқлар билан боғлиқ бўлган кўп вариантли фойдаланишга ўтиш меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайди ва уларнинг моддий манфаатдорлигини оширади.

Тармоқ структуралари кенг кўлам касб этган, ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва жабҳалари кенг бўлган республикамизда хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш қоидаларининг амалга оширилиши миллий муносабатларнинг ривожланишига ҳамда ижтимоий жараёнларни муқобиллаштиришга туртки беради, аҳолининг норозилигига олиб келувчи умумиттифоқ бошқармаларининг ўзбошимчалигига чек қўяди.

Экономикани ривожлантирмасдан туриб, ижтимоий, демографик, маданий ва экологик сиёсатни такомиллаштириш асосларини янада чуқурлаштириб бўлмайди. «Миллий масалада ҳам абстракт ва формал принципларни эмас, балки, биринчидан, тарихий-конкрет ва ҳаммадан аввал иқтисодий вазиятни ҳисобга олиш» лозимлигини В. И. Ленин алоҳида таъкидлаган эди. Кейинги пайтларда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувини, шу жумладан машъум Фарғона воқеасининг сабабларини қаердан ахтаришга ҳаракат қилмайлик, унинг негизида социал-иқтисодий муаммолар, иқтисодий қашшоқлик ётади. Агар пастдан то республика даражасигача ҳақиқий хўжалик ҳисоби принциплари амал қиладиган бўлса, кишилар ўз меҳнатларининг натижасини қўрадиган бўлишса, улар ҳамкасбларини миллатига қараб эмас, балки ишчанлигига, виждонига қараб танлайдилар. Бас, шундай экан, хўжалик ҳисоби ҳам, иқтисодий тараққиёт, ҳам ахлоқий тушунча, социализмнинг муҳим унсуридир.

Республика ва иттифоқ бюджети ўртасидаги муносабатлар ҳам самарадорлик ортиши туфайли ўзаро манфаатдорликка асосланмоғи керак. Бунда, узоқ муддатли барқарор нормативлар негизида республиканинг миллий даромаддан (ёки ялпи миллий маҳсулотдан) чегирмалар ҳисобига иттифоқ бюджети шаклланиши кўп жиҳатдан асқотади

Марказда миллий даромад жамғаришнинг анъанавий усулидан узоқлашиш республикаларни авторкияга (зарур нарсаларни четдан олмасдан ўзи етказишга асосланган миллий хўжалик системасига) олиб келмаслиги керак. Регионал хўжалик ҳисоби шароитида мамлакат халқ хўжалигининг яхлит комплекси қуйидагича таъминланади:

— халқ хўжалиги мутаносибликлари қулайлигини таъминловчи йирик, умумаҳамиятга молик иттифоқ илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий программаларини марказ даражасида амалга ошириш;

— марказий бошқарув идораларини уларнинг қурби етмайдиган ва иқтисодни издан чиқаришга олиб келувчи халқ хўжалиги алоқаларини бор бутунича йўлга қўйиш вазифасидан озод этиш, мўъжаз алоқаларни бозор механизмига ўтказиш ҳисобига айирбошлаш жараёнларини мажмуасини уйғунлаштиришга эришиш;

— хўжалик юритишнинг умумий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини марказда сақлаб қолиш.

Регионал (шу жумладан республика) хўжалик ҳисоби принципларини ҳатто халқ хўжалиги учун энг қулай шароитларда ҳам идеал деб қарамаслик керак. Бу жараёнда айрим нуқсонларга қарши амал қилувчи омиллар бўлиши мумкин. Булар:

**аввало**, даромадларнинг ижтимоий асосланмаган тарздаги фарқланишлари ҳамда мамлакат (республика, область) турли регионлари аҳолисининг ҳар хил фаровонлик даражаларидан келиб чиқадиган нуқсонлар бўлиши мумкин. Бундай тарздаги камчиликларнинг объектив асоси республика миллий даромадидан меҳнат билан яратилган қисмини ажратишнинг мураккаблигидадир.

**Иккинчидан**, турли республикалар меҳнат ва табиий потенциалидаги фарқлар асосида қонуний тарзда вужудга келадиган табақаланиш негизида рўй бериши мумкин бўлган мураккабликлар.

**Учинчидан**, иқтисодий нормативларнинг узоқ муддатлилиги ва барқарорлиги қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ тарзда регионал хўжалик ҳисоби рағбатларини сақлаб қолиш мураккаблашади. Тажрибанинг кўрсатишича, хўжалик юритиш омиллари ва шароитлари системасидаги илдам силжишлар туфайли ҳар қандай нормативлар тезда эскириб қолади. Устига-устак узоқ муддатли нормативлардан қисқа муддат нормативларга ўтиш йирик; бир қанча йилларга мўлжалланган туб ўзгаришларни амалга оширишга бўлган қизиқишни сўндиради. Бинобарин, вақтинча фойда кетидан қувиб, келажакка зиён етказиш мумкин.

**Тўртинчидан**, даромадларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишни бошқариш марказини регион, хусусан республика даражасига кўчириш маҳаллий (шу жумладан миллий) чекланганлик кўринишларининг намоён бўлиш хавфини туғдириши мумкин. Ушбу марказ даромадларни тақсимлаш нормативларини белгилагани ҳолда бир республика бошқасига нисбатан ўзини чўмичда қоқилгандек ҳисоблаши мумкин.

Хўжалик ҳисобига (шу жумладан регионал хўжалик ҳисобига) ўтиш учун объектив шарт-шароитлар мавжудми? Маълумки зарурий шароитлар айнан бир хил яхлит иқтисодий муҳит яратилиши (саноатни номонополиялаш, улгуржи савдога ўтиш марказлаштирилган бошқарувни, баҳо белгиланишини ислоҳ қилиш натижасида ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш) туфайлигина хўжалик ҳисоби, шу жумладан регионал хўжалик ҳисобига ўтиш учун зарурий шароитлар вужудга келади. Бунда баҳо белгиланмайди, ер рентаси олинмайди, меҳнат ресурслари баҳоланмайди. Хўш бунақада тегишли ҳақ қандай тўланади? Шу боисдан Болтиқбўйи республикаларининг ўз республика хўжалик ҳисобини бозор экономикасига боғлашаётгани бежиз эмас. Хўжалик ҳисобини илк бўғинлардан то республика даражасигача оғизда эмас амалда таъминлаш экономикамизни тиклашнинг муҳим омилидир. У тескисликларни барҳам беради, даромадларда дифференциацияга олиб келса-да, «ҳар кимдан меҳнатига яраша» принципини тўлароқ амалга оширишга хизмат қилади. Республикани хўжалик ҳисобига ўтказишнинг ижобий ва салбий оқибатларини анализ қилиш шуни кўрсатадики, бу йўл ягона тўғри, ҳаётий зарур йўл. Лекин, афсуски, республикамизни хўжалик ҳисобига ўтказишга қаратилган тадбирлар белгилашда бирқадар сусткашлик бор. Бизни ҳеч ким ташқаридан келиб хўжалик ҳисобига ўтказиб қўймайди. Ҳар бир республиканинг ўзи тарихий, маданий анъаналарини ва иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўз хўжалик ҳисобининг механизмини ишлаб чиқиши керак. Ҳозир эса зудлик билан бу масала бўйича бирон илмий текшириш институти негизида обрўли республика комиссияси тузилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Н. ТЎХЛИЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

## КОМИССИЯ КЕЛДИ

КЕМЕРОВО, 17 июль. (ТАСС мухбири). Бугун Кузбассга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков бошчилигидаги комиссия келди. Бу комиссияга регионнинг социал-иқтисодий тараққиёти муаммоларини ўрганиш ва энг зарур масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш, шунингдек истиқболда Кузбассни ривожлантиришга оид таклифларни тайёрлаб, СССР Олий Советига ва мамлакат ҳукуматига тақдим этиш топширилган.

Н. Н. Слюньков Кемерово шаҳрининг Совет майдонига йиғилган меҳнатчилар билан учрашди. У комиссиянинг иш программасини гапириб берди ва берилган саволларга жавоб қайтарди. СССР кўмир саноати министри М. И. Щадов Кемерово конининг шахтёрларини иш ташлаш чоғида ўртага қўйган талабларини кўриб чиқиш натижаларидан хабардор қилди. Кемероволикларнинг саволларига ВЦСПС раиси С. А. Шалаев ҳам жавоб қайтарди.

Тушдан кейин комиссия аъзолари Прокопьевскка бордилар. Бу ерда улар область бирлашган иш ташлаш комитети билан биргаликда Кузбассни ривожлантиришнинг иш ташловчилар талабларида баён этилган энг муҳим муаммоларини кўриб чиқишга киришдилар.

Комиссия ишида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин қатнашмоқда.

(ТАСС).

## ҚАРЗНИ УЗИШ ДАВРИ

НОВИЙ УЗЕНЬ (Гурьев области), 17 июль. (ҚозТАГ — ТАСС). Комендантлик соати янги узенликлар ҳаётининг бир қисми бўлиб қолгандек. Комендантлик соатини амалда ҳеч ким бузаётгани йўқ. Шаҳар партия комитетининг янгиланган бюроси, шаҳар ижроия комитети ходимлари ҳозир ғайрат шижоат билан ишламоқдалар.

— Кундалик ишимизда биз одамлар билан юзма-юз гаплашишга, улар билан суҳбатлашишга катта эътибор бермоқдамиз, — дейди шаҳар партия комитетининг яқинда сайланган биринчи секретари Р. Чердабоев. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, бамаъни таклифлари амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар бундай мулоқотни «қўмсаб» қолишганини кўриб турибмиз.

Шаҳар аҳлининг ҳаёти нормал изга тушиб бораётганини кўрсатувчи бу гапга фақат бирикки оғиз илова қилишимиз мумкин. Деярли барча корхоналар ва ташкилотлар давлат топшириқлари ва шартномавий мажбуриятларини яхши бажариб йилнинг иккинчи ярмига қадам қўйдилар. Планга қўшимча тарзда қазиб чиқарилган нефть 50 минг тоннага яқинлашиб қолди. Кавказдаги миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг кўчиб кетиши ҳам деярли тўхтади. Шаҳардаги турмушни нормаллаштиришнинг анча мураккаб, баъзан кўзга ташланмайдиган жараёни давом этмоқда. Ана шу жараён нечоғлик муваффақиятли бўлса, комендантлик соати шунчалик тез бекор қилинади.

## Кўп болали оналарга мукофот

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 12 июль Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбияларган кўп болали 198 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

*Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида*

## ТЎЛДИРИЛИШИ КЕРАК

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши тўғрисидаги таклиф миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Умуман, лойиҳа қўллаб-қувватлашга лойиқ. Шу билан бирга бизнингча, унинг кўпгина боб ва моддаларига тузатишлар киритиш лозим.

Биринчи навбатда қонун лойиҳаси «Тиллар тўғрисидаги қонун» эмас, балки **«Тил тўғрисидаги қонун»** деб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу қонунда бошқа тиллар камситилмаган ҳолда асосан ўзбек тили тўғрисида гап бориши керак.

II бобнинг 8-моддасида **«хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўзбек ва рус тилларини мукаммал билишлари шарт»** деб берилса яхши бўларди.

IV бобнинг 12-моддасида эса «раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин» деган қисми юқоридаги фикрга зид, яъни **«тобе ходим танлаган тилда муомала ва ахборот бериши шарт»**, деб ўзгартирилиши керак. Ҳатто раҳбар лавозимга тайинлаш пайтида давлат тилидан имтиҳон олиниб, кейин ишга тайинлаиса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Доҳиймиз В. И. Ленин Туркистон ўлкасига мутахассис кадрлар ишга юборилаётган пайтда маҳаллий миллат тилини билишни шарт қилиб қўйган эди. Ўша даврда республикамизга келиб ишлаган барча ходимлар тилимизни, урф-одатларимизни яхши билган ва ҳурматини жойига қўйган.

VI бобнинг 26-моддасида дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув программасининг мажбурий фани сифатида ўзбек тилини ўрганишни ва **битирув имтиҳони топшириш зарурлигини алоҳида қайд этиш зарур**, чунки ўқув муассасаларида рус тилидан имтиҳон топшириб келинган.

VI бобнинг 24-моддасида эски ўзбек ёзуви тўғрисида фикр юритилади. Бизнингча, бу моддани кескин кенгайтириш, ўрта ва олий ўқув юртларида мажбурий фан сифатида (ҳафтасига 2 соат) ўқитиш керак, чунки халқимизнинг минг йиллик тарихи, маданияти шу ёзувда ижод этилган ва ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида, кўплаб архив ҳужжатларида, минглаб нодир асарларда ўрганилмай ётибди. Тарихимиздаги «оқ» ва «қора» доғларни йўқотиш учун ана шу манбаларни таҳлил қилиш зарур бўлади.

Умуман олганда, кўп моддаларда ўзбек тили билан бир вақтда рус тилини қўллаш зарурлиги таъкидланади. I боб 3-моддада рус тили миллатлараро муомала воситаси эканлигининг таъкидланиши етарли деб ҳисоблаймиз.

XI бобнинг 39-моддасига ҳам аниқлик киритиш зарур. Фикримизча, тил тўғрисидаги қонунни жорий этиш беш йил давомида амалга оширилиши лозим, деб кўрсатиб ўтилса тўғри бўлур эди.

Ўзбекистондаги аҳолининг асосий қисмини ҳисобга олган ҳолда телевидение, радио эшиттиришлари программасида ўзбек тилидаги кўрсатувлар ва ахборотларни кескин ошириш керак.

**Ў. АМЕРОВ,**
**А. РАЗЗОҚОВ,**
**Қ. ЭРНАЗАРОВ,**
**В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети доцентлари.**

## ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон ССРнинг «Тиллар тўғрисида қонуни» лойиҳаси матбуотда эълон қилиниши сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Мазкур қонун қабул қилиниши тил маданияти соҳасида ҳозиргача мавжуд бўлган бошбошдоқлик олдини олади. Ёш авлодни ўзбек тили ва адабиётига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Аввало имло ва талаффуз луғатлари, дарслик, қўлланмаларини кўплаб чиқариш зарур. Илмий-назарий жиҳатдан мунозарали бўлган масалаларни тезроқ ҳал қилиш зарурати вужудга келган. Ҳозир қонун талабларини амалга оширишга хизмат қиладиган чора-тадбирларни бажаришга киришмоқ зарур. Масалан, газета ва журналлар саҳифаларида «Нутқ маданияти», «Имло муаммолари», «Тўғри сўзлашишни ўрганайлик» ва шунга ўхшаш рубрикалар ташкил қилиш, тил, имло, талаффуз ва тиниш белгиларини қўллаш нормаларига оид қисқа материаллар бериб бориш керак. Янги дарслик, қўлланма, илмий ва бадиий асарлар тилини таҳлил қилиш, атамалар, тарихий номларни ёзишдаги чалкашликларни муҳокамага қўйиш, айрим иш ҳужжатлари (ариза, справка, протокол, анкеталар)нинг намуналарини матбуотда эълон қилиш зарур.

Мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари студентлари ўртасида шаҳар,район, область ва республика миқёсида нутқ маданияти бўйича олимпиадалар, кўриклар, конкурслар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Республикада ўзбекча ёзув машинкалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Муҳаррирлар, масаҳҳеҳлар (корректорлар) малакасини такомиллаштириш учун кўп иш олиб боришга тўғри келади.

Мен қонун лойиҳасининг ўзбек тили ҳуқуқи статуси тўғрисидаги 1-моддасида белгиланган қоидаларни амалга ошириш бўйича айрим вазифаларга тўхталдим, холос. Ваҳолонки, 39-модданинг ҳар бирини ҳаётга татбиқ этиш учун ғоят кенг кўламдаги тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Пировардида, буларнинг ҳаммаси маданиятимиз келгуси тараққиётининг гаровидир.

**С. АЛИЕВ,**
**Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори.**



## МИРИШКОРЛАР

**Сирдарё области. Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозига қарашли «Пахтакор» кооперативида Икром Эшмуродов бошлиқ звено коллективи пешқадамлардан саналади. Коллектив ҳар йили план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келади. Миришкор маккажўхорикорлар бу йил 46 гектар майдонга барака уруғи қадаб, иноҳолларни меҳр билан парваришламоқдалар.**

**Айни кунларда звено далаларига борган киши бўлиқ сўталарини кўриб қувонади. Улар мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Коллектив топшириқ бўйича ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган эди. Эндиликда илғорларнинг ниятн — ҳар гектар майдондан 60 центнердан сифатли макка дони етиштириш.**

**Звено бошлиғи Икром Эшмуродов ҳамда моҳир сувчи Мустафоқул Файзуллаев ҳосил чўғини чамалашмоқда.**

**У. ҚУШВОҚОВ** суратн.

## Кенгаш ёрдам беради

**Шаҳрихондаги Бешариқ кўчаси энди Қизил Байроқ орденининг нишондори Қобилжон Қосимов номи билан аталади. Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети ана шундай қарор қабул қилди. Байналминалчи-жангчилар район кенгашининг илтимосига кўра, шундай қилинди.**

Кенгаш кўпгина яхши ишларни бажариб қўйди. Шу йилнинг бошларидаёқ кенгаш аъзоларининг талаб-қистовлари туфайли «афғонлардан» ўн тўрт киши ишга жойлаштирилди, икки киши махсус автомобиль транспорти олди, тўрт киши квартира билан, йигирма киши эса якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари билан таъминланди. Кенгашнинг ўзи ҳам янги бинога кўчиб кирди. Унга пахта. тозаловчиларнинг шаҳар марказидаги маданият саройи биносидан жой ажратилди.

Йигитлар ёрдам ва мададни ҳис этиб, жамоат турмушида фаол қатнашишмоқда. Масалан, шаҳрихонлик байналминалчи-жангчи Ҳилолбек Турғунов ва унинг ўртоқлари шаҳар маданият ва истироҳат боғида «Қаҳрамон афғонлар» хиёбонини яратдилар, муваққат ёдгорлик ва лавҳа барпо этдилар. Энди бу ерда ёш ленинчиларнинг қасамёдлари янграмоқда, тантанали равишда комсомол билетлари топширилмоқда. Кенгаш даъватига кўра, район комсомоллари ва ёшлари Афғонистонда ҳалок бўлган юртдошлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида ихтиёрий ионалар тўплашга киришдилар.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИЛИКЛАР


● Жиззах районидаги машиний хизмат ходимларининг ғалати рақобатчилари пайдо бўлди. 19-ҳунар-техника билим юртининг талабалари юк ташиш, томорқани чопиб бериш, кийим-кечакни ремонт қилиш ва кўпгина бошқа ишларни қилишга тайёрдирлар. Бажарилган ишлар нархи давлат нархларидан қимматроқ эмас, уларга буюртмаларнинг ўсиб бораётганлиги иш сифатининг юқорилигидан далолат бермоқда.

● Тошкент медицина институти қошида хоҳиш меҳнат студентлар отряди ташкил этилган бўлиб, мазкур отряд барча ишлаб топилган маблағларни болалар уйларига беради. Тошкентдаги даволаш-профилактика муассасаларига, ҳарбий госпиталга ТошМИнинг 340 студенти юборилди. Тошкент областининг етти районига Урта Осиё медицина педиатрия институтининг студентлар отрядлари врачларга ёрдам беради. Фармацевтика институтининг студентлари ташкил этган илмий-ишлаб чиқариш отрядлари доривор ўсимликларни йиғишда, уларни Тошкент фармацевтика заводида қайта ишлашда қатнашадилар.

● Фарғона медицина билим юртининг бир юз ўн уч битирувчиси Гиппократ қасамини ичдилар. Шулардан ўн икки қизга имтиёзли дипломлар берилди. Дипломли шифокат ҳамшираларни Фарғона, Қувасой шаҳарларидаги ва Фарғона районидаги медицина муассасаларига ишга юборилди.

● Бухоро область ижроия комитетининг собиқ дала ҳовлиси область кардиология касалхонасига берилди. Ҳозирча бу ерда битта бўлим жойлаштирилиб, унда 60 бемор даволанмоқда. Бош планга мувофиқ дала ҳовли территориясида икки йил мобайнида 240 ўринга мўлжалланган яна иккита даволаш корпусини қуриш белгиланган. Маҳаллий Советларнинг қарорига кўра Бухоро областида жами 24 маъмурий бино соғлиқни сақлаш системаси ихтиёрига берилди. (ЎзТАГ).





# Шундай қишлоқ бор...

Шаҳрисабз район, Карл Маркс номли совхоздаги Ғилон қишлоғини кўрганмисиз! Бу ерда турли миллат вакиллари: ўзбеклар, тожиклар, руслар, татарлар ва белоруслар катта, аҳил оила бўлиб яшашади. Ғилонликлар қадим-қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Бу ерлик ҳунармандлар ясайдиган пичоқлар, ёғоч идиш-товоқлар, мусиқа асбоблари бутун республика камизда маълум ва машҳур. Қишлоқда Улуғ Ватан урушининг 12 қатнашчиси ва 50 нафар меҳнат ветерани бор. Уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Яқинда қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан оталар чойхонасини қуриб битказди (1-сурат).

Қишлоқ денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликда жойлашган. Уйлар худди қалдирғоч уяларидек бир-бирига «мингашиб» кетган. Улар икки баъзан уч қаватли. Тор, эгри-бугри кўчаларнинг ҳам ўзига яраша кўрк-тароватн бор (2- ва 3-суратлар).

Ғилонга водопровод келтирилган. У икки хил. Тепадан—дарахт таналаридан тешиб ўтказилган новлар орқали муздек булоқ суви оқади. Пастда эса боғ-роғларни суғориш учун ариқлар қазилган (4-сурат).

Аммо қишлоқда муаммолар ҳам кўп. Энг асосийси—аҳолини ишга жойлаштириш масаласи. Чунки, посёлкадаги ҳар бир кишн совхозда йилига ўрта ҳисобда ...45 кун ишлар экан. Хўш, бу муаммони ҳал этиш йўли борми? Бор, дейишяпти ғилонликлар. Ҳисор тизма тоғларн этакларида шифобахш ўт-ўланлар жуда кўп. Уларни йиғиштириб давлатга топшириш билан шуғулланиш мумкин. Бироқ маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ҳозирча бу масала устида жиддий бош қотирмаяптилар.

Р. ШАГАЕВ суратлари.






# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**БОЛАЛАРНИНГ МАҚСАДЛИ ОМОНАТЛАРИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТ КЕЧИРИШДА КЎМАК БЕРАДИ**

Бу омонатлар 16 ёшгача бўлган болалар учун қариндош-уруғлик муносабатларидан қатъи назар қабул қилинади.

Омонатни сақлаш 10 йил муддати ўтгач ва бола 16 ёшга тўлиши билан йилига 4 процент ҳисобидан тўланади. Қўшимча бадаллар ҳар қандай пул миқдорида нақд пул тарзида, шунингдек пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Бу омонатдан қисман пул берилмайди.

Агарда омонат 10 йил муддат ўтгач ҳам СССР Жамғармалар банкида сақланиб турса ва бола 16 ва ундан катта ёшга тўлса, шунингдек омонатни унинг эгасига шошилинч равишда тўлаш лозим бўлиб қолган тақдирда фойда йилига 2 процент ҳисобидан тўланади.

**МАҚСАДЛИ ОМОНАТ — БОЛАНИНГ МУСТАҚИЛЛИК САРИ ҚЎЙГАН ИЛК ҚАДАМИДИР.**

**БУНДА СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ ЯҚИН ЁРДАМЧИ БЎЛА ОЛАДИ.**

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Модомики, Сиз ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланар экансиз, —**

«ИНТЕРОСИЁ» БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИШГА ШОШИЛИНГ.

**СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат божхона назорати Бош бошқармасининг**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОЖХОНАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети қошидаги** «ИНТЕРОСИЁ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ **СССР давлат чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва бошқа мулкларнинг**

**ДЕКЛАРАНТИ**

**ДЕБ ТАН ОЛИНДИ.**

Шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефон 44-08-21.

ТЕЛЭКС 116131 ВЕСНА. «Интеросиё» кооператив фирмаси

**«Интеросиё» кооператив фирмаси**

**КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Агар Сиз корхонангизнинг даромадини оширмоқчи бўлсангиз ёки ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ички хўжалик ҳисоби, чек системаси, ижара пудратига ўтишида қийинчиликларга дуч келаётган бўлсангиз

**«МЕНЕДЖЕРЛАР МАКТАБИ» ЎҚУВ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ**

**СИЗГА ЁРДАМ КЎРСАТАДИ**

Қуйида эътиборингизга иккита тўпламдан иборат ҳужжатлар комплекти кўринишидаги методик тавсияномалар ҳавола этилади.

**1-тўплам** — Министрлар Совети, марказий иқтисодий идоралар (Давлат план комитети, Давлат статистика комитети ва ҳоказолар)нинг хўжалик юритиш ва бошқаришнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ички хўжалик ҳисоби, ижара пудрати каби янги формаларига ўтиш билан боғлиқ бўлган қарорларининг тўлиқ термасидан иборат.

**2-тўплам** — Тавсияномалар, ҳисоб-китобларга оид мисоллар, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби, рағбатлантириш системаси, ижара пудрати, чек системаси, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона фонди, ходимлар фаолиятини уларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентига қараб баҳолаш тўғрисидаги Қоидаларни ўз ичига олади.

Тўла комплектнинг баҳоси — 230 сўм.

Малакали консультация олиш билан биргаликда комплектнинг баҳоси — 420 сўм.

Хизмат ҳақи буюртмачи учун қулай бўлган ҳар қандай усул билан: устама ҳақ тўлаш, кафолат хати орқали, счёт бўйича бошқа йўл билан тўланиши мумкин.

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-01-34, 33-40-01.**

**«МЕНЕДЖЕРЛАР МАКТАБИ» ЎҚУВ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ**

**«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИГА.**

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг** ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИДА

**ТАРЖИМОНЛАР УЮШМАСИ ИШ БОШЛАДИ**

Уюшма ўзбек тилининг фаолият доирасини кенгайтиришга оид тадбирлар белгиланаётганлиги муносабати билан корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва кооперативларнинг расмий иш қоғозларини, шунингдек, мўҳрлар ва идора варақалари, маҳкама лавҳалари ва эълонлар, маҳсулотларнинг ёрлиқлари, айрим шахсларга ва давлат муассасаларига расмий хатлар матнини ўзбек тилига расмий-идоравий услубда таржима қилишга кўмаклашади.

ТАРЖИМАЛАР БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИВДА НАҚД ПУЛ ЭВАЗИГА ЁКИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ҲИСОБИГА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700170, Тошкент шаҳри (Академиклар шаҳарчаси), Мўминов кўчаси, 9-уй, Тил ва адабиёт институти, 305-хона. Телефонлар: 62-94-07, 62-42-64.

**«Ташстройтранс» Тошкент транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг**

**АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ**

**барча моделлардаги «МАЗ» автомобиллари, шунингдек чекланмаган миқдорда «МАЗ» ва «ЗИЛ-130» агрегатларини 1990 йилда капитал ва капитал-тиклаш ремонтини амалга ошириш юзасидан**

**ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ**

Завод шу йил мобайнида «Барча моделлардаги «МАЗ» автомашиналарини, «ЗИЛ-130» двигателларини, «ЯМЗ-236, 238» двигателларини чекланмаган миқдорда капитал ремонт қилиб бериши мумкин.

**Адрес:** 700032, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Склад кўчаси, 32-уй. Телефонлар — 62-76-94, 62-76-96, 62-76-98.

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги министр ўринбосари А. А. Исаҳўжаевга онаси

**Ўғилбиги ИСАҲЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Республика телевидение маркази коллективи Марказ директорининг ўринбосари А. А. Муҳамедова онаси

**Нурисахон СУЛЕЙМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ССР Уй-жой социал банкининг Ўзбекистон республика банки коллективи ССР Уй-жой социал банкининг Андижон область бошқармаси бошлиғи Ш. Қаҳҳорова отаси

**Қаҳҳормон ПАРПИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


● *Тоғли Қорабоғдан репортаж*

# ЭЛ БОШИГА КУЛФАТ ТУШГАНДА

**СТЕПАНАКЕРТ (Озарбайжон ССР), 17 июль. (ТАСС). Тоғли Қорабоғ йўлларидаги «тошбўрон» уруши шу кунларда бир қадар сусайгандек: ички қўшинларнинг серҳаракат соқчилари бронетанк техникасида ва автомашиналарда қатнаб, область ички қисмларидаги йўлларнинг энг муҳим участкаларида вазиятни умуман назорат қилиб турибдилар. Улар вужудга келаётган миллатлараро тўқнашувларнинг олдини олмоқдалар, шубҳали тўпланаётган одамларни тарқатиб юбормоқдалар. Аммо узундан-узоқ йўлнинг ҳар қаричини ишончли тарзда ҳимоя қилиб бўлмайди.**

Арман миллатига мансуб, Совет Армиясининг подполковниги Б. отпускага чиқиб оиласи билан қариндошларинникига бораётган машинани Молибейли қишлоғи яқинида бир гуруҳ озарбайжонлар тўхтатишди. Ота-онани болалар кўз ўнгида калтаклашди. Машина ҳайдаётган прапоршчикни ҳам дўппослашди. Мияси лат еган ва тан жароҳати олган бу кишилар касалхонага ётқизилди. Машинанинг кузови мажақланди, ойналари синдирилди, ойна синиқлари болаларга ҳам тегди. Болалар қанчалик қўрқувни бошдан кечирганликларини сўз билан ифодалаш қийин!

Миллатлараро нифоқ авжига чиққанида, аввало, заиф ва сира айби бўлмаган болалар, аёллар, қариялар озор чекишади. Арманларнинг «раҳм-шафқат» хайрия жамиятини Шуша районининг Карин так, Цахкадзор, Егцаок, Бердадзор, Киров қишлоқларида яшаётган арманларнинг тақдири ташвишга солмоқда. Бу қишлоқлар ташқи дунёдан узилиб қолган, мабодо безорилар ҳужум қилишгудек бўлса, ўзларини ҳимоя қилиш учун воситаларга эга эмас. «Аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш учун таъсирчан чоралар кўришингизни илтимос қиламиз», — ушбу жамиятнинг президиуми алоҳида районнинг ҳарбий комендантига ана шундай илтимос билан мурожаат қилди. Озарбайжон томонининг илтимоси эса мана бундай: «Келбажар районида алоқа воситалари тез-тез бузиб кетилмоқда. Автоном область алоқа бошқармасига бир неча бор мурожаат қилганимизга қарамай, улар тузатилгани йўқ. Аралашишингизни сўраймиз...» Мазкур телеграммалар Тоғли Қорабоғда вазият ёмонлашганининг бевосита натижасидир. Кўпчилик ҳарбийлар ҳамроҳлик қилишмаса, сафарга чиқишни тасаввур ҳам қила олишмай қолишди. Нон заводи учун хамиртурушни прапоршчик ва учта автоматчи тушган ҳарбий машина етказиб берди. Область марказидаги бозор ҳуваллаб қолган: сабзавот ва меваларни бу шаҳарга ташиб келиш осон эмас, хавф-хатар кўп. Бунинг устига арман аҳолиси Озарбайжондан олиб келинаётган маҳсулотдан бош тортмоқда.

Миш-мишлар туфайли аҳвол яна ҳам мушкуллашмоқда. Ҳарбий комендатурада, ички қўшинлар оператив группаси штабида тез-тез телефон қўнғироқлари жиринглаб турибди: қишлоққа ҳужум қилишди, бир одам ўлдирилди. Оломон қирғин қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Тоғдаги ўрмонда кимлардир фонарь ёқиб юришибди, бу шубҳали-ку. Гарчи, бир кеча-кундузда неча ўнлаб ана шундай сигналларни қабул қилиб олсак ҳам биз дарҳол уларнинг ҳар бирини текшириб чиқамиз, дейди ҳарбий оператив группа бошлиғининг ўринбосари, полковник В. А. Скоробогатов. Кўпчилик хабарлар тасдиқланмайпти. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, аҳоли саросимага тушиб қолган, игвогарлик мақсадида тарқатилаётган ёлғон-яшиқ гапларга чиппа-чин ишонмоқда ёки ўйламай-нетмай лаққа тушмоқда. Бу ҳам вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

Ана шундай фавқулодда шароитда ҳар бир граждан сабрли, интизомли бўлиши, комендантлик соати талабларини қатъий бажариши зарурдир. Аммо, васваса авжига чиқиб турган ана шу пайтда айрим қизиққон одамлар 14 июль жума куни Степанакертда ижозат берилмаган митинг ўтказмоқчи бўлишди. Яхшиямки, митинг бўлгани йўқ, жамоат тартибини ва осойишталикни тиклаш лозим бўлган ҳозирги вақтда йиғинларни тўхтатиб туриш маъқул эмасми? Область марказида, шаҳар партия комитети биноси олдида, Шушадаги бош майдонда одамлар ҳар куни йиғилиб турғани ҳам вазиятни соғломлаштиришга сира-сира ёрдам бермайди. Тоғли Қорабоғ автоном области ва алоҳида районнинг бошқа аҳоли пунктларида вақтивақти билан йиғинлар бўлиб, баъзан неча юзлаб одамлар тўпланаётгани ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда.

СССР Олий Совети халқ депутатлари съездининг топшириғига кўра, Тоғли Қорабоғ хусусида комиссия тузишга тайёргарлик кўраётган кезда областдаги вазият кескин ёмонлашди. Буни тасодифий ҳол деб бўлмайди. Чунки воқеалар жуда катта территорияда содир бўлмоқда. Бу воқеаларнинг кетиши, тафсилотлар васвасани авж олдириш билан бирга ҳуқуққа хилоф конкрет ишлар қилаётган кучлар борлигини тасдиқлаб турибди. Бу кучларга Тоғли Қорабоғ тўғрисидаги масалани Конституцияга мувофиқ кўриб чиқиш ёқмаяпти, улар вазиятни беқарорлаштиришга, парламент комиссиясининг ишини барбод этишга уринмоқдалар. Партия-совет активлари ана шу кучларнинг сиёсатига қарши тура олмадилар, бу сиёсат эса оқибатда миллатлараро нифоқнинг кучайиб кетишига олиб келди. Аммо, областдаги кўпчилик аҳлирасо аҳоли муаммони тинч йўл билан Конституцияга мувофиқ ҳал этишни маъқулламоқда.

Алоҳида районда СССР ички қўшинлари ва Ички ишлар министрлигининг бўлинмалари тинимн билмай ишламоқдалар, улар тўқнашувларнинг олдини олишяпти ва ҳуқуқ-тартиботни қўриқлашяпти. Ҳарорат 30 даражадан ҳам ортиб кетган, чор-атроф чанг-тўзон, сув етишмайди, буларнинг ҳаммаси хизматни мураккаблаштиряпти. Асаблар зўриққан, аскарлар толиққан, ҳар куни нарядга чиқиш осон эмас, аҳвол танг кезлари жангчилар икки-уч кунлаб ухлашмади. Шунга қарамай улар сабр-бардошли бўлишлари, ҳатто ўзлари ҳимоя қилаётган одамлар баъзан уларни тушунмаганларида ҳам сабр-бардошли бўлишлари керак.

Тоғли Қорабоғда хизмат қилаётган қўшин наряди ихтиёрида, одатда каскалар, бронежилетлар, резина таёқлар ва рация бор. Наряд бошлиғи қўлида эса автомат. Йўллардаги ва аҳоли пунктларидаги бронетанк техникасига ҳам, бундай нарядларга ҳам одамлар кўникиб кетишди. Аммо вертолётлар бу ерларда янгилик, айниқса, Келбажар сингари олисдаги район марказида янгиликдир. Шунинг учун ҳам винтли машина стадионга қўнганида жуда кўп болалар югуриб келишди. Бу вертолёт ҳам бошқалари сингари аҳоли пунктлари ва йўллардаги аҳволни назорат қилиб турган, воқеа содир бўлган ерларга дарҳол десант туширадиган машиналардан бири эди.

Вертолёт ҳавога кўтарилишн олдидан болаларга, нари туринг, дейишди, улар стадион минбарларига ўтириб олишди. Аммо вертолёт ердан кўтарилиб, баландлаб бораётганида ўнглаб бўлмайдиган воқеа содир бўлди. Машина четроққа бурилиб юқори вольтли симга ўралашиб қолди ва ерга қуларди. Авария оқибатида 8 та бола ҳалок бўлди, ушбу авария сабаблари ўрганиб чиқилмоқда.

Кутилмаган тасодиф, оғир фалокат бўлди. Агар миллатлар ўртасида чиқиб кетган можарони қўшинлар ёрдамида тийиб туриш талаб қилинмаганида бу фожиа рўй бермаслиги мумкин эди.

Агар катталар ўз вақтида эс-хушларини йиғиб олишганида... бу фожиа бўлмас эди.

Можарога бош қўшган томонлар эс-хушларини йиғиб олишлари, ярашиб, бир-бирларига қўл узатишлари, Тоғли Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, болалар, қариялар, аёллар ва эркакларнинг қони яна тўкилишига йўл қўймасдан, маданиятли одамлар сингари ҳал этиш ҳали кеч эмас.

# СПОРТ

СССР КУБОГИ:

**НИМЧОРАК ФИНАЛДА**

Биллур соврин учун бу йил ва келаси йилга мўлжалланган ўйинларнинг навбатдаги босқич учрашувлари бўлди. 1/16 финал учрашувларида командалар такроран куч синашдилар. «Пахтакор» футболчилари ўз майдонларида «Помир» коллективини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Такрорий учрашув эса Тожикистон пойтахтида ўтказилди. Тошкентликлар бу ерда ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Майдон эгалари дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритилиши мухлисларни бехад қувонтирди. Шундай қилиб, пахтакорчилар икки ўйин ҳисобида муваффақият қозониб, кубок учун курашнинг нимчорак финалига йўлланма олишди. Энди улар «Амур» (Благовещенск) — «Металлист» коллективлари учрашуви ғолиби билан майдонга тушадилар.

Шунингдек, Тбилиси динамочилари, пойтахт темирйўлчилари, Минск динамочилари, Волгограднинг «Ротор», Киев ва Москва динамочилари, «Жальгирис», ЦСКА, «Шахтёр» коллективлари ҳам нимчорак финалга чиқиб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

ВЕЛОПОЙГА:

**ШАҲАР КЎЧАЛАРИДА**

Навоий шаҳрида ўзига хос пойга ўтказилди. Шаҳар кўчалари бўйлаб ўтказилган бу мусобақада кўплаб ҳаваскорлик клублари ва спорт жамиятларининг вакиллари қатнашдилар. «Факел» туристик-соғломлаштириш клуби аъзолари ҳамжиҳатликни ўрнига қўйиб, команда ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Шахсий ҳисобда Лилия Мингазова ўзини кўрсатди.

ЕШЛАР ЎЙИНИ:

**ҚИММАТЛИ ОЧКОЛАР**

Мамлакатимиз шаҳарларида Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программасидаги мусобақалар давом этмоқда. Краматорск шаҳрида футболчилар ўзаро баҳслашмоқдалар. Ёшларимиз қирғизистонлик тенгқурлари билан учрашиб (1:0), қимматли икки очко олишди. Грузин футболчилари 6 очко билан олдинда боришмоқда. Озарбайжон командаси ҳисобида 4 та очко бор. Шахматчиқизларимиз эса 7—12 ўринлар учун курашмоқдалар. Улар Эстония (2:1) ва Латвия (1,5: 1,5) командалари билан ўзаро дона сурдилар. Шахматчи йигитларимиз 13-ўрин билан қаноатланишди.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р — 05865 Индекс 64593 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12